БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 15 май
Сешанба
№ 91. (13. 527).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Биринчи саҳифага мактуб

ТЕМИР НЕГА ҚАДРСИЗ?

Айтишларича, ер ости қазилма бойликлари миқдори жиҳатидан биз дунёда энг бадавлат мамлакат эканмиз. Яхши ҳам шундай экан, йўқса, бу қадар исрофгарчилигимиз, ҳар нарсага ўтакетган хўжасизларча муносабатимиз туфайли бугун ҳолимиз не кечарди? Ахир бир қанча капиталистик мамлакатларда биздаги бойликларнинг чорагиям ҳам йўқ-да. Шундай бўлса-да, улар тараққиёт жиҳатидан биздан бир неча ўн йилларга илгарилаб кетишган.

Японияни олайлик. Пўлатни четдан сотиб олишига қарамай, техника тараққиёти жиҳатидан дунё бўйича энг олдинги ўринлардан бирида бормоқда. Нима учун бизнинг мамлакатимиз хом-ашёга бой бўла туриб тараққиёт жиҳатидан, ҳатто баъзи ривожланаётган мамлакатлардан ҳам орқада юрамиз?

Нега, нима учун деймана-у, саволларимга яна юқоридагидан ўзга важ тополмайман. Ҳа, фикримча, бизнинг қарор устига қарор, режаю тадбирлар белгилаб, аслида бир жойда депсиниб туришимизнинг бош сабаби хўжасизлик, эгасизлик.

Мисол, керакми, марҳамат. Автокорхона раҳбарлари айби билан ҳар йили қанчадан қанча ишдан чиққан техникаларнинг эҳтиёт қисмлари шаҳар четидаги ахлат ўраларига олиб бориб ташланади. Ёки қишлоқ жойларида йўлда кетатуриб қаёққа қараманг, бирорта машина ёки механизмнинг занг босиб ётган қисмига кўзингиз тушади. Пахта даласининг четларида, зовурлар ичи ва ёқасида нафақат эҳтиёт қисмлар, балки қишлоқ хўжалиги учун ғоят зарур ҳамда хўжаликларга катта маблағ эвазига келган бутун бошли трактор ва механизмлар занглаб, чириб ётибди. Кечагина шусиз ҳам ғариб хўжалик кассасини ўпириб кетган бу нарсаларнинг бугунги аҳволига ҳеч кимнинг ичи ачимайди. Ҳеч ким уларга лоақал темир-терсак сифатида давлатга топшириш ҳақида ўйламайди. Нима учун бизда темир бунчалар қадрсиз? Шундай ўйлайман-у яна ўзимга қарши савол бераман: бизда нима қадрли ўзи?!

Баҳодир РАББИМОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллар институти толиби.

ПЛАН ҚАЧОН ТУГАТИЛАДИ?

Қадимдан кутубхонага эга бўлган қишлоқ ёки шаҳар одамлари маърифатли ва маданиятли ҳисобланганлар. Ҳозирги кунда ҳам шундай. Фақатгина кутубхонаси бор қишлоқгина маданиятга эришган қишлоқ ҳисобланади. У кутубхона хоҳ аварияи ҳолатида бўлсин, хоҳ китоб фонди оз бўлсин, хоҳ одам ўқимайдиган ялтироқ китоблар билан бой бўлсин қишлоқ кўркида! Ҳар ҳолда борку, йўқларга нима ҳам дейиш мумкин...

Жумҳуриятимизда ҳар йили шундай бўлади. Пахта мавсуми бошланди, дегунча қишлоқ кутубхоначилари ноҳияга тўпланиб мадад бригадаси тузилади. Нонлож қолган мададкорлар ўз жамоа хўжалиги туриб бошқаларга ёрдамга гўдилар. Деярли «зиё тарқатувчи» мададкорларнинг ҳиссаси ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки, уйда болаларга қарайман деб кеч бориб, яна болам бор деб эрта қайтган кутубхоначилар қанча пахта теришлари мумкин?

Бу ёқда эса кутубхона эшигига илинган қулф то терим мавсуми тугагунча тураверади. Уша дамда ким учундир зарур бўлган китоб шу кутубхонада бўлсаю, у шаҳармашаҳар ахтариб юрса, алам қиладиган. Яна қанча китобхон ўз фикрий оламининг бойишидан бенасиб қолади.

Хўш, ундан сўнг нима бўлади? Кутубхоначига берилган режа бажарилмай қолади. У эса ноилож-ликдан сохта китобхонларни тиқиштиради. Қарабсизки, бутун қишлоқ илм-маърифатлида! Ойига битта китобхон фалонча китоб мутолаа қилади-я!

Яна бир гап. Кутубхоналарга, давлаш муассасаларига режа нимага керак? Бошқа яна бир қанча муассасаларга режалар қўйилганки, ҳатто эслаш ҳам кулгили. Кутубхоначи одамларни китоб ўқиши учун иштиёқини оширишни керак, бу тўғри. Режасиз улар масъулиятни ҳис этмасликлари мумкин, лекин режа билан барибир одамлар китобхон бўлиб кетишмаяпти-ку. Нолож қолган кутубхоначилар кўзбўямачиликка ўтишяпти.

Ушбу масалалар юзасидан чуқурроқ ўйлаб кўриш, эндиликда уларни пайсалга солмай тезроқ ҳал этиш, жумҳуриятимизда китобхонлар сонини ошириш, одамларнинг китобга бўлган иштиёқларини ва ихлосларини кучайтириш борасида янги-янги имконниятлар излаш даркор.

Муроджон ТУХТАНАЗАРОВ,
Избоскан ноҳиясидаги «Октябрь 50 йиллиги давлат хўжалиги 3-бўлим ишчиси.

ЖАБРИНИ ЭЛ ТОРТМАСИН

Яқинда бир дўстимга ҳамроҳ бўлиб Қўқон шаҳридаги «машина бозори»га борган эдим. У ердаги манзара мени ҳайрон қолдирди. Бозорда «ВАЗ-2108» маркали машиналарнинг баҳоси 16-18 минг сўм, «ВАЗ-2109» машина 23-27 минг сўм, «ВАЗ-2106» машиналарининг ҳар бири 20-22 минг сўмдан баҳоланмоқда.

Ҳа, «бозор — бозорда» дейишингиз мумкин. Тўғри, бозор ўз номи билан бозор. Менинг диққатимни торттани бошқа нарса бўлди: бу ердаги олди-сотди бўлаётган машиналарнинг аксарияти ҳали бир йил ҳам минилмаган, яп-янгилари ҳам бор. Қизиқ, бизда бундай машиналар навбат билан берилади. Бу навбатнинг келиши эса қийин, жуда қийин. Ҳатто навбатнинг ўн йиллардан ҳам келиши гумон. Шундоқ экан, чайқов бозорини тўлдирган яп-янги, гижинглаб турган «ВАЗ»лар қаердан келаяпти? Ҳар бир машинадан 10-15 минг сўмдан фойда кўраётган машина сотувчилар бу автомашиналарни қачон, қаердан, қандай йўл билан сотиб олишгану, энди нима учун дарров бозорга чиқаришган? Менимча, ўн йиллаб навбатда туриб машина олган одам уни ҳузур қилиб минади, бозорга чиқармайди. Демак, бу ерда қандайдир кинтирлик бор. Ноҳия, шаҳар Шўроларидаги ҳеч олдинга силжимайдиган узундан-узоқ навбатларнинг сири шу ерда эмасмикан?!

Яна бир нарсага диққатингизни тортмоқчиман. Бозорда машина сотувчиларнинг ҳаммаси жумҳурият фуқаросию, харидорлар аксарият Болтиқбўйи ва Кавказорти жумҳуриятларидан келган кишилар. Бозордаги машиналарнинг баҳоси бу қадар юқорилигининг асосий сабабларидан бири шу эмасмикин?! Ахир ўзимиз пулимизга ололмаётган машиналарни жумҳуриятдан четга чиқариб юбораверсак, бозорда нарх-наво арзонлашадими? Бир тўда қаллоблар фойда кетидан қувиб, мавжуд қонун ва тартибларни оёқ ости қилади-ю, жабрини меҳнаткаш халқ тортади.

Шу боисдан ҳам жумҳурият ҳукуматининг «Халқ истеъмоли молларининг бир қанча турларини Ўзбекистон ССРдан ташқарига олиб чиқиб кетишни чеклаш тўғрисида»ги қарорини астойдил маъқуллайман ва қуллаб-қувватлайман. Мазкур ҳужжатдаги ижроқўмлар, вазирлик ва маҳкамалар «...енгил автомашиналарни, жумладан илгари фойдаланишда бўлган машиналарни ҳисобини нархларда фақат Ўзбекистон ССР ҳудудида истиқомат қилувчи шахсларгагина сотсинлар», деган кўрсатмалар машинага муҳтож минг-минглаб кишиларнинг манфаатларига анча мос келади, деб ҳисоблайман.


М. ҚЎЧҚОРОВ,
Ленинград ноҳиясидаги «Комсомол» жамоа хўжалиги.

Ўзбекистон ЛКЁИ МҚ бюросида

ПЕШҚАДАМЛАРГА ФАЗОГИР НОМЛИ СОВРИН

Ҳар йили жумҳурият халқ хўжалигининг турли жабҳаларида фидокорлик кўрсатётган комсомол-ёшлар жамоаларини Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитасининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР Космонавт учувчиси В. А. Жонибеков номли кўчма соврини билан тақдирлаш анъана бўлиб қолган.

Яқинда Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси бюроси 1989 йилдаги социалистик мусобақада зарбдорчасига, фидокорона меҳнат қилганлиги ҳамда юқори кўрсаткичларни қўлга киритганлигини инобатга олиб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССР космонавт учувчиси В. А. Жонибеков номли кўчма совринни топширишга қарор қилди. Халқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг турли жабҳаларидаги жумладан, енгил саноат, қурилиш, агросаноат, автомобиль нақлиёти, сув хўжалиги ва шу сингари бошқа бир қатор тармоқларнинг 183 та комсомол-ёшлар меҳнат жамоасига ана шундай мукофот топширилди. Ғолиблар фазогир номли соврин билан бирга қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.



Дилфуза Мўминова Наманган вилоятининг Чуст ноҳиясидаги 8-мактабда ўқийди. Ўқишлари яхши. Тенгдошлари орасида ўзининг намунали хулқи, жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб туради. У эрта-индин ҳаётга мустақил қадам қўяди. Орзулари чексиз. Рақс эса унинг жону-дили.

— Жамиятга, одамларга бирон нафим тегса, уларнинг оғирини енгил қила олсам, ўзимни бахтиёр ҳис қиламан, — дейди у.

Ошпоқ орзуларинг ушалсин, Дилфуза!

СУРАТДА: Дилфуза Мўминова ўзбек миллий кийимида.

Суратчи Даврон АҲМАД.

Нуқтаи назар



ИШҚОРЛИ ЁМҒИР ОСТИДА

СССР халқ депутати, СССР Олий Шўросининг аъзоси, шоир Ўлжас СУЛАЙМОНОВ билан мусоҳаба

«Кел, бир шахмат сурайлик», — дейди Толмачёв Ўлжас Сулаймоновга, кунжакдаги тахта устига териб қўйилган бесўнақай шахмат доналарига ишора қилиб. Сўнг бизга юзланади: «Гувоҳ бўлинглар, Ўлжасни қандай ютишимга!» Сулаймонов эса индамай сигарет тутатгунча, пиёдасини суриб қўяди.

Олдинига Толмачёвнинг қўли устун келади. «Яна уч юришдан сўнг мот бўласан!» — «дағдаға» қилади у. Аммо Сулаймонов, ҳеч кутилмаган жойдан, қаттиқ зарба беради-да, «Қалай, бопладиммиІ» — деб айёрона жилмаяди.

Ўйин тобора қизийди... Толмачёв енгилганини тан олади. Лекин отдан тушсаям, эгардан тушгиси йўқ. «Мана энди, ростакамига ўйнайман. Титпитингни чиқариб ташлайман!.. «Афсуски, иккинчи партия ўйналмай қолади: бизларни тайёрага таклиф этишади.

«Ҳеччиси йўқ, барибир ҳисоблашаман», — дейди истар-истамай жойидан тураркан Толмачёв. «Камина хизматингга доимо тайёр!» хохолаб кулади Сулаймонов. Зиналар бўйлаб пастга тушамиз. Йўл-йўлакай Толмачёв менга «тушунтиради». «Атайлаб жиғига тегаман-да унинг! Аслида у зўр ўйинчи. Ахир Ўлжас, билсангиз ким? Қозоғистон шахмат федерациясининг раиси!»

Ўн чоғли одаммиз. Бир қоп ёнғоқ Геннадий Толмачёв (у Қозоғистоннинг таниқли публицисти) — Ўлжас Сулаймоновнинг яқин дўсти. Оралиқдаги яна бир публицист эса «Правда» рўзномасининг ўз мухбири Г. Дильдяев. Қолганлар — Канаданинг машҳур «Сиабека» фирмаси вакиллари ва таржимон. (Фирма президенти, ўрта бўй, оқсоч, русчани мукаммал биладиган Борис Бернштейн ҳам шу ерда). Хорижлик корчалонларнинг Олмаотага келганига тўрт кун бўлди ва ҳар куни Ўлжас Умарович улар билан бирга.

Меҳмонлар кўп жойларда бўлишди. Ҳозир эса йўл — Қозоғистон чўлининг қоқ киндиги ҳисобланмиш Жезқозғонга.

Сулаймоновнинг ҳамроҳлари билан бу ерда — Олмаота қўнимгоҳининг депутатлар залида кутишади. Ўлжас Умаровичнинг ўзи билан дастлаб саксон тўққизинчи йилнинг баҳорида Москвада — СССР халқ депутатларининг Съездида танишувдим. Съезд йиғилишлари эрталабдан алламаҳалгача давом этар, Сулаймонов ҳориб-чарчаганига қарамай, Кремлдан чиқа сола, сайловчиларнинг наказларини бажариш мақсадида, турли-туман маҳкамаларга шошиларди. Шу боис суҳбатимизни тўқсонинчи йилнинг январида Олмаотада ўтказишга келишиб олувдик. Лекин у хорижликлардан «ортмади», охири мулоқотимизни Жезқозғонга кўчирадиган бўлдик.

Ҳайҳотдай қорамтир майдонда виқор билан турган кумушранг «ТУ-134» булутлар ортидан эринибгина оз кўрсатаётган қуёшнинг ғира-шира нурлари остида афсонавий қушга ўхшаб кетади. Унинг йўловчилари ўзимиз эканмиз, холос. Ундан кейин, бу махсус рейс бўлиб, патта ҳам лозим эмаскан. Тайёранинг ички тузилиши одамни таажжубга солади: унинг салони уч-тўртта бўлмадан иборат бўлиб, ҳар бири юмшоқ, бежирим мебеллар билан жиҳозланган шинам хонанинг ўзгинаси.

Самога кўтарилганимиздан сал фурсат ўтмай, хушрўйгина парвоз бекаси олдинига столларга оппоқ дастурхон ёзади, сўнг қора икра, шпрот, сариёғ, пишлоқ, салат келтиради. Кейин ажойиб қилиб пиширилган товуқ гўшти. Мева-чеваниям уйиб ташлайди. Овқат ейилгач, хоҳлаганларга қаҳва, хоҳлаганларга чой тортилади...

Мен умрим бино бўлиб бунақанги тайёрада учмовдим. «Ҳойнаҳой, Қозоғистоннинг энг катта раҳбарига тегишли бўлса керак у», тахмин қиламан ўзимча. Тахминим нотўғри бўлиб чиқади: ушбу тайёрани Борис Бернштейн бутун экипажи билан Москвадан ижарага олган экан (ўн кунга, 360 минг тўлаб).

— У қотириб ишлашни, ўз ходимларининг ҳақида ғамхўрлик қилишниям билади! — дейди менга Ўлжас Умарович. Сўнг қўшиб қўяди: «Одатда хорижий фирмалар қурол ишлаб чиқариш, бир уни сотиш билан бойиш пайида юрса, «Сиабека» бунинг акси. У «Невада—Семипалатинск» ҳаракатимиз томонидан атом синовига қарши шу йил орада ўтказиладиган халқаро анжуманнинг барча сарф-харажатларини кўтаришга аҳд қилди, бир — икки миллион доллар чиқим деган!»

...Парвоз давомида қуюқ ҳангома, ҳазил-мутойиба тинмайди. Айниқса, Ўлжас Сулаймонов билан Геннадий Толмачёв бир-бирларига шу қадар қаттиқ ҳазил қилишадики... Хорижликлар ҳам кўнгил очиш бир тараф, бу кулгидан завқланиб, ўзлари ҳам уларга қўшилишади. Хуллас калом, биз гўёки юз йиллик танишлардай апоқ-чапоқ бўлиб кетамиз ва бир ярим соат қандай ўтганини сезмай қоламиз.

...Жезқозғон вилоят ижроқўмида бир томонда маҳаллий раҳбарлар, йирик мутахассислар ва Ўлжас Сулаймонов, иккинчи томонда — хорижлик бизнесменлар. Олдинига Бернштейн гапиради. Канадада жойлашган, АҚШ, Корея, Япония, Гонконг каби мамлакатларда бир қатор маҳкамалари фаолият кўрсатаётган, озиқ-овқат, кийим-кечак, компьютер, видеоаппаратура... ишлаб чиқарувчи юзлаб корхоналарни ўз атрофига бирлаштирган «Сиабека» фирмаси ҳақида батафсил маълумот беради. Фирма Жезқозғон вилояти билан ўзаро ҳамкорлик қилиш ниятида эканини айтиб, ушбу мақсадни амалга ошириш ҳусусидаги ўз шартларини муҳокамага ташлайди. Сўнгра кенг фикр алмашина бошланади.

Музокараларнинг биринчи қисми қарийб икки соатга чўзилади. Уларни давом эттириш учун ҳар икки томондан уч-тўрт нафардан вакил қолдирилиб, аксарият меҳмонлар вилоят ўлкашунослик музейига борамиз. Миллий либослардаги қизлар ўлан айтиб қаршилайди. Ичкарида бошимиз узра танга сочишади. Сўнг ёдгорликлар билан танишув. Мавзу тарихга келганида, Ўлжас Сулаймонов сайрбоннинг ҳикояларини шу қадар чуқур маълумотлар билан тўлдирадики!..

Пасхи оролларидан топилган тош ҳайкалчаларни инсоният маданиятининг ибтидоси деб жар солишгани солишган. Худди, ўшандай ҳайкалчалар бу ерда ҳам турибди. Аммо улар Жезқозғон даштларидан (бундай ёдгорликлар Ўзбекистондаям кўп) олиб келинган. Ва улар тараққиёт Осиёда ҳам қадим-қадимдан мавжуд эканига гувоҳдир. Лекин афсуски, бу ҳақда жуда кам одам билади...

Жезқозғон заминидан турли-туман маъданлар олинади. Бу ернинг миси жаҳонда энг яхши деб ҳисобланадиган Чили мисидан ҳам сифатлироқ экан. Лекин уни қазиб олувчилар, уни қайта ишлаш билан банд бўлганлар нақадар ночор аҳволдалигидан Ўлжас Сулаймонов ҳаммадан кўп куйинади.

Ўлжас Умаровични одамлар ҳар қадамда ўраб олишади-да, Кремль минбаридан туриб она халқини собитлик билан ҳимоя қилаётгани учун ташаккур билдиришади. У эса ўзини аллақандай ноқулай сезади, болалардай қизаради.

Сулаймоновнинг Ўлжас Сулаймонов бўлиб танилишида Жезқозғоннинг ўзига яраша ҳиссаси бор. Гап шундаки, Бойқўнғур космодроми ана шу вилоятда жойлашган. Гагарин фазога кўтарилганида 25 ёшли Сулаймонов унга бағишлаб «Инсонга таъзим қил, замин!» деган достон ёзувди. Минглаб одамларнинг қалбини ром этган ушбу асар ҳали кўпчиликка номаълум бўлган шоирнинг номини жаҳон шеърияти орбитасига космик тезликда олиб чиқди, гўё.

«Саёҳатимиз» тугагач, яна ижроқўмга таклиф қилишади — музокараларнинг сўнгги босқичига. Биз эса Сулаймонов билан тинч бир хонага кириб оламиз-да, суҳбат қурамиз.

* * *

— Ҳикоя қилишларича, Сиз илк шеърларингизни таниқли бир шоирга обориб кўрсатганингизда, у: «Геологман, де! Ажойиб касбинг бор экан. Яхшиси конщунос бўлиб ишлайвер, одамларга кўпроқ фойданг тегади. Шеър ёзишни эса унут, барибир сендан шоир чиқмайди», — деган экан... Шу тўғрими? Ким эди ўша шоир?

— Ҳа, шундай бўлганди. 1959 йилда. Илья Сельвинский эди у. Мен шеърларим битилган дафтаримни Переделкинога — унинг дала-ҳовлисига оборувдим. Уникида Корней Зеленский деган танқидчи ҳам ўтирган экан. Шеърларимни икковлашиб ўқиб чиқишгач, Сельвинский касбимни суриштирди ва сўнг боя сен келтирган гапларни айтди.

— Кейин-чи, кейин нима бўлди?

— Дафтаримни тўппа-тўғри «Литературная газета»га топширдим. Редакциядагилар уни Леонид Мартыновга йўллашди. У беш-олтита шеъримни танлаб, «Оқ йўл, Ўлжас Сулаймонов!» деб илиқ истак билдириб, рўзномада эълон қилдирди. Ўшанда 1959 йилнинг ёзи эди.

Қозоғистонда анча вақт яшаган Мартынов, табиийки, шеърларимнинг руҳини ҳис қила олганди. Сельвинскийга эса бу руҳ мутлақо ёт бўлган, албатта.

— Нега энди дастлаб уларни Сельвинскийга кўрсатгансиз, ўзи?

— Чунки менга унинг шеърлари, айниқса, эпик достонлари жудаям ёқарди, ҳатто ҳозиргачаям бу жанрда Сельвинскийга тенг келадиган муаллифни учратганим йўқ.

— Ўша ноxуш воқеадан кейин қайта учрашмадиларингизми?

— Учрашдик. Тасодифан. Орадан уч йил ўтгач (ҳатто санасиям ёдимда: 17 декабрь куни), Хрущёв бир гуруҳ ижодкор зиёлиларни қабул қилганида. Қабулга мениям чақиришувди.

— Бу, рўзнома-ю журналларда қайта-қайта тилга олинган ўша машҳур қабулми?

— Ҳа. Биз Сельвинский билан ёнма-ён ўтириб қолгандик. У менга анча тикилди-да: «Йигитча, мен сизни билсам керак. Биз қаердадир учрашганмиз шекилли?» — деб сўради. «Ҳа, Илья Львович, биз учрашганмиз — Переделкинодаги дала-ҳовлингизда. Мен унда адабиёт институтида ўқирдим», дедим. «Эсладим, эсладим! Сиз менга шеърларингизни опкелувдингиз». «Шеърларимнику-я опкемовдим, аммо йигирма беш сўм қарз олувдим, талабачилик эди-да. Қайтариб беришга... У гапимни бўлиб, «Қарзни унутинг, арзимаган нарса. Мен ўзи талабаларга доим ёрдам бериб келганман». «Яхшилигингизни бир умр эсимдан чиқармайман. Агар ўшанда сизга

(Давоми 2-3-бетларда).



Тошкентдаги «Шарқ гули» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида чеварларнинг чевари талайгина. Муқаддас Исматуллаева шулардан бири. У дўппи тайёрлов цехида попопчи бўлиб ишлайди. Шу йилнинг биринчи уч ойлигида фабрика бўйича «Ўз касбининг моҳир устаси» кўрик беллашуви бўлиб ўтган эди. Ушбу мусобақада Муқаддас фахрли биринчи ўринни эгаллади ва фабрика маъмурияти томонидан пул мукофоти билан тақдирланди.

«Биринчилик менга фақат масъулият юкламоқда, — дейди Муқаддаснинг ўзи. — Эртага бугунгидан яхшироқ ишламасам, кўнглим тўлмайди».

Қанийди, ҳамма ҳам шундай деса.

СУРАТДА: илғор попопчи Муқаддас Исматуллаева.

Даврон АҲМАД суратга олган.

Жумҳурият янгиликлари

ЖИЗЗАХ чўлида пахтакорларни деҳқончиликнинг илғор усулларига ўргатиш яхши йўлга қўйилган. Илғор хўжаликларнинг бири — «Тараққиёт» давлат хўжалигида чўлқуварлар малакасини ошириш таянч пункти очилди.

«Жиззахстепстрой»нинг 4-кўчма механизациялашган колоннаси ходимлари боғ ўртасида қиймати ярим миллион сўм турадиган бинони бунёд этдилар. Бу ер бино қуриш учун танланганлиги ҳам тасодифий эмас. Ўқув мавсумлари оралиғидаги даврда бу ерда вилоят меҳнаткашлари учун дам олиш уйи очилади.

* * *

УЧҚЎРҒОН ноҳиясидаги «Партия XXVI съезди» жамоа хўжалигида ғиштни қолиплайдиган ва пиширадиган линия қурила бошланди. Ушбу линия ўтган йили бу ерда тузилган бригадани оғир қўл меҳнатидан ҳалос қилади.

Қишлоқ меҳнаткашларига уй-жой қуриш ва деҳқончилик қилиш учун ер ажратиб берила бошланиши биланоқ хўжаликда янги корхона бунёд этиш зарурати туғилди. Мазкур жамоа хўжалигида 400 дан ортиқ шундай участка берилди. Дўконларда эса бинокорлик материаллари топилмайди. Шу боисдан ғиштни қўлда қуядиган участка ташкил этдилар. Бригада бир кеча-кундузда 15 минг дона ғишт чиқарарди. Энди унумдорлик ортади, маҳсулот сифати яхшиланади.

Айни вақтда жамоа хўжалигида бетон узели, оҳак цехи ишлай бошлади. Оҳак цехи бир ойда 50 тонна қоришма тайёрлайди. Энди дурадгорлик устахонасини очишга ҳам тайёргарлик кўрилмоқда. Буларнинг ҳаммаси уй-жойлар ва янги ишлаб чиқариш бинолари қурилишини анча жадаллаштириш имконини беради.

* * *

СИРДАРЁ вилояти «Хлопкопром» ишлаб чиқариш бирлашмаси яна битта ташқи савдо шартномаси тузди. Узоқ Испанияга бир неча юз тонна тола чиқиндиси жўнатилади. Унинг ўрнига саноат моллари олинади.

Мирзачўл пахта заводлари ташқи бозор билан эндигина алоқа қилаётганлари йўқ. Ҳозир чет элларга улар етиштираётган маҳсулотнинг ярми юборилмоқда. Ишлаб топилган валютага ускуналар, кранлар, транспорт сотиб олинмоқда. Пахта заводлари меҳнаткашларини ҳам таъминлаш яхшиланди. Масалан, ўтган йили Хитойга пахта линтининг катта туркуми юборилди, унинг эвазига кўплаб халқ истеъмол моллари — асосан кийим-кечак олинди.

1989 йилнинг ўзидагина 3 миллион 125 минг сўмлик маҳсулот ва буюмларни бевосита алмашиш тўғрисида битимлар тузилди. Ана шуларнинг ярмидан кўпроғи ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондиришга кетди. 730 минг сўмдан кўпроқ пул табобат ускуналарига, 450 минг сўмга яқин пул бинокорлик материалларига сарфланди. (ЎзТАГ).

(Боши 1-бетда).

ИШҚОРЛИ

учрамаганимда, ҳозир шу залда ўтирмаган бўлардим, балки. Мен сиздан миннатдорман, Илья Львович!»

— **Аммо лекин, зўр бўпти-да, пичингингиз!**

— Асло! Мен унга том маънода ташаккур билдирувдим, ҳеч қандай пичингсиз.

— !!

— Агар ўшанда Сельвинский менга бу қадар аччиқ гаплар айтмаганида, ким билардиь, қанақанги шоир бўлардим. Чунки мен ўлгудек ўжар одамман ва кўпинча, айтилганларнинг тескарисини исботлашга уринаман.

— **Демак, ўшанда Сельвинскийга қасдма-қасдига...**

— Шундай.

— **Геолог бўлиб кўп ишлагансизми!**

— Фақат практика пайтлари — яъни иккинчи курсдан сўнг. Ўша йиллари шеър, мақола, ҳикоялар машқ қилардим. Университетнинг геология факультетини битиргач, Олмаотадан Москвага бориб, адабиёт институтига кирдим.

— **Энди ўзингиз ҳам катта шоирсиз. Ҳузурингизга илк шеърларини олиб келадиган ёшларга қандай муносабатда бўласиз, одатда!**

— Аввало, уларнинг олдида адабиёт эшигини тақа-тақ ёпиб қўймасликка уринаман. Лекин шеърлари ҳақида бор ҳақиқатни айтаман. Баъзан шундайлар ҳам учрайди — чаласавод ёки умуман саводсиз. Уларга тушунтираман: дастлаб ўқинглар, ўрганинглар деб...

— **Сиз шеъриятни қандайдир минералга қиёсладингиз, шекилли. Бу — геологлигингиздан келиб чиққан бўлса керак-а!**

— Балки. Мактабдан биламизки, графит, кўмир ва олмоснинг кимёвий таркиби битта — карбон. Улар бир-бирларидан атомларнинг ички жойлашувига қараб фарқланади. Буни адабиёт «тилига» кўчирадиган бўлсак, графит менинг назаримда, — танқидчилик, кўмир (қатламлари бақувват-бақувват кўмир) — наср, олмос эса — шеърият. Олмосда атом заррачалари ўта зич жойлашганки, шеърлардаги сўзлар ниҳоят даражада сиқиқ бўлади. Албатта, идеал шеъриятда. Ҳозир эса аксарият шоирлар носирларга тақлид қилишиб, ёстиқдай-ёстиқдай достонлар ёзишга ўр беришяпти.

— **Ўзингиздаям бор-ку шундай достон!**

— «Турбат ой»ни назарда тутяпсизми! Агар ундаги материал носирларнинг қўлига тушиб қолганида, камида икки-уч жилдлик романга айланган бўлармиди. Мен уни бор-йўғи беш босма тобоққа сиғдирганман.

— **Айтинг-чи, ёмон одам ҳам яхши асар ёза оладими!**

— Аввало, «ёмон одам» хусусида. Бу — субъектив тушунча: биров учун ёмон ҳисобланадиган одам, иккинчи бир киши учун яхши бўлади ва аксинча. Шунинг учун мен бу саволни қуйидагича қўйган бўлардим: «Қабиҳ одам ҳам эзгу асар ёза оладими!» Адабиёт ижодкорларни билишимиз борасида тўпланган тажрибамизга асосланиб, таъкидлашим мумкинки, қабиҳ одамлар эзгу асар ёзиши мумкин. Чунки, истайдими-истамайдими, қоғоз сатҳида ҳар бир одамнинг ички дунёси ўз аксини топади-да.

— **Аммо, Наполеонни дурустгина роман ёзган дейишади-ку!**

— Наполеон — бошқа олам. У ҳақда бир ёқлама хулоса чиқариб бўлмайди. У мураккаб шахс бўлиб, унда ёвузлик билан эзгулик турли нуқталарда кесишиб турган, худди Бобурдаги каби.

— **Ғалати бир ҳол: яхшилик чуқурроқ илдиз отсин деймиз-у, аммо кўпинча яхшилик қилганларнинг устидан кулишга ва ҳатто баъзан мазах қилишга ҳам қиламиз. Бунга эзгулик тимсоли — Дон Кихот классик намунадир.**

— Мен Дон Кихотни эзгулик тимсоли деб атамаган бўлардим. Сабаби унда жуда ҳам яхши фазилатлар карикатурасимон тарзда жамланган. Унда меъёр йўқ, меъёрсиз нарса эса нормал ҳисобланмайди. Дон Кихот менга калласи катта, бўйни ингичка, бўйи паст одамни эслатади. Бундай кишини хоҳлаган ҳайкалтарош болғасидан бирор-гудек бўлсанг, одамлар унинг устидан кулишади, ҳатто мазах ҳам қилишади.

Хулоса қилиб айтганда, барча инсоний хислатлар реал жамият, реал жамоатчилик қабул қила оладиган бўлмоғи лозим.

— **Барча одамда ички бир цензор — назоратчи бўларкан. Шахсан Сизнинг ана шу назоратчи билан муносабатингиз қай тарзда кечади!**

— Ички цензор ички маданий фильтр (тозалагич) ролини ўтайди. У масалан, шахсан мени, менга ҳақоратомуз гаплар айтган кимсага худди ўшандай ёки ундан ҳам ўтказиб жавоб қайтаришдан тутиб қолади. «Сабр қил, унинг гапларини ичингда «ёқиб» юборишга урин», деб туради гўёки. Ана шу назоратчи бизни Худога, Аёлга, Халққа қарши ёзишга, Одам қадрини топташга йўл қўймайди.

— **Энг катта ғалаба — ҳар бир одамнинг ўзини ўзи енга олиши. Сиз шундай ғалаба нашидасини кўп тотганмисиз!**

— Доимо. Чунки бу — энг аввало, иблисликка қарши курашдир.

— **Лекин гоҳо шундай ҳолларга ҳам бўладики, одам на ғолиб чиқади, на мағлубиятга учрайди: у ўртача бир вазият — келишувчанликни танлайди.**

— Келишувчансизликсиз, дейишганда қадимда донолар, — яшаб бўлмайди. Балки мумкиндир, аммо бунинг учун якка ўзинг кимсасиз оролда истиқомат қилсанггина. Жамиятни қўя тур, ҳатто оилангдаям кўпинча бир қадам ортга чекинмаслигингнинг иложи бўлмай қолади. Баъзан арзимас келишмовчилик жиддий жанжалга ўтиб кетмаслигига йўл қўймаслик мақсадида. Бу, истасанг ҳаётий тактикаю стратегиядир.

— **Бордию ана шундай келишувчанлик виждонга хилоф бўлса-чи!**

— Бу сотқинлик бўлади. Сотқинда эса виждон нима қилсин!

— **Сиз шеъриятга ишонасизми, ё...**

— Айтавер: «ё бино қўйгансизми», деб сўрамоқчисиз-да! Мен ўзимга ишонаман. Ўзига ишонмаслик эса, ўзига бино қўйиш сингари паст иллатдир.

— **«Аз и Я» китобингиз туфайли бошингизга тушган ташвишларни енгишингизга ана шу хислат ҳам мададкор бўлгандир!**

— Сўзсиз!

— **Ўлжас Умарович, унинг ёзилиши ҳақида гапириб берсангиз (уни ўқиймиз деб, қанча урилсам-да, афсуски, тополмадим).**

— Бунга тасодиф туртки бўлди. Адабиёт институтида ўқиб юрганимда менга қадимий рус ёдгорлиги — «Игорь жангномаси»даги «Кощей» сўзининг этимологияси мавзуида курс иши ёзиш топширилувди. Ленин кутубхонасига бориб, «Жангнома» бўйича адабиётларни ўқиб чиқдим. Мени, айниқса, унда ишлатилган туркий сўзлар қизиқтирди. Ўзимда ўша йўналиш бўйича тадқиқот олиб боришга иштиёқ уйғонди.

Ўшанда менга катта бир ҳақиқат очилдики, ўзим уялиб кетдим: гарчанд университетни тугатган, ҳамда иккинчи диплом олиш арафасида турган бўлсам-да, Франция, Россия, Американинг тарихини ўрганиб олганман-у, аммо ўз она халқим, унга қардош халқларнинг тарихини мутлақо билмас эканман (менга ўхшаганлар ҳам қозоқлар, ўзбеклар, қирғизлар орасида, афсуски, жуда кўп).

— **Бунинг сабабини таҳлил қилиб кўрганмисиз ҳеч!**

— Бир неча бор... Россия империяси мустамлака халқлар ўз тарихини билишини истамас, улар бир умр «нотарихий» халқлар бўлиб қолишлари тарафдори эди. Чунки, бундай халқларни бошқариш жудаям осонроқ: уларнинг ўз таржимаи ҳоли, миллий ғурури, ҳақиқий эпослари бўлмайди. Улар худди кўчадан топиб олинган, ўзлигини билмай ўсган етимларга ўхшаб кетишади. Бундай етимлар эса, ўзларини «одам сонига» қўшган «халоскорига» нуқул шукроналар айтиб, қуллуқ қилиб яшашади, уларнинг момолари, боболари, аждодлари кимлиги; она тили, маданияти, урф-одатлари XX асрга қандай қилиб етиб келганини билишга зарурият туғилмайди.

Ушбу «жараён» Сталин даврида, турғунлик йилларида янада авж олди, лекин бошқача кўринишларда.

Бизларга нисбатан бу хилдаги қараш «Жангнома»га бағишланган ниманики тадқиқотларда ўз аксини топганини ички бир туйғу билан сездим ва уни фош қилишга бел боғладим. Бунинг учун кўп ўқиш, изланиш керак эди: тарих, фалсафа, тилшунослик бўйича ўнлаб китобларни «ҳазм» қилдим, туркий халқларнинг бир қатор тарихий манбаларини ўргандим. Ниҳоят шу нарса тўла ойдинлашди: «Игорь жангномаси»нинг яратилишида туркий халқларнинг қадимий маданияти, адабиёти таъсири бениҳоя салмоқли бўлган экан. Аммо тадқиқотларда бу ҳақда лом-мим дейилмаган, аксинча, «ёввойи» кўчманчилар — половецлар (улар бизнинг аждодларимизни шундай деб аташади) кўҳна Руснинг ривожига таъсир кўрсатишлари мумкин эмас, чунки ўзларида ҳеч вақо бўлмаган», деган киноя яширинганди. Замонавий олимлар бобокалонларимизнинг ўзаро маданий алоқаларини шу тарзда кескин рад этишиб, «Биз фақат Оврўпа билан яқин бўлганмиз» деб, қайта-қайта таъкидлашни ўзларига эп кўришарди. «Жангнома»даги туркий сўзлар худди шу боис ҳам деярли ўрганилмаган, ўрганилгани эса нотўғри талқин қилинганди.

Мен олдинига ушбу мавзу бўйича қатор мақолалар ёздим. Улар «Аз и Я»га асос бўлишди.

— **Китоб эса қачон чиқди!**

— 1975 йилнинг ёзида. Унга роса бир беш йил вақтим кетди. Асар хусусида ярим йилча ҳеч қандай гап-сўз бўлмади. Уни, менимча, кимлардир зимдан синчиклаб ўрганарди. Ниҳоят, ҳужумга ўтишди: «Молодая гвардия», «Москва», «Звезда» журналларида бирин-кетин танқидий мақолалар эълон қилинди.

Уларнинг кундан-кун кучаярди. «Ўлжас Сулаймоновнинг фикрига қулоқ солсангиз, гўёки «Жангнома»-



нинг муаллифи рус эмас, балки қозоқ, деган хулоса келиб чиқади», ҳам дейишди. Китобни миллатчилик, пантуркизм ва ҳатто... сионизм руҳи ила суғорилган асар деб айтишди.

— **У ҳақда ҳеч ким ўзгача фикр билдирмадими!**

— Билдиришди. Масалан, Константин Симонов. У менга хат йўллаб, китоб хусусида анча самимий гаплар айтди. Аммо кўпчилик олимлар, расмий ташкилотлар менга шу қадар тиш қайрашардики... Бунинг натижаси ўлароқ «Аз и Я»ни КПСС Марказий Қўмитасида муҳокама қилишиб, уни Брежнев учун партия XXV съездига тайёрлаётган ҳисобот докладига тиркайдиган бўлишди. Ана шу мақсадда мени 1976 йилда Москвага — Марказқўмга чақиришди. Ҳар эҳтимолга қарши, маслаҳат сўрагани Қунаевнинг ҳузурига кирдим. «Касал бўлиб қолдим, тузалгач, албатта бораман» деб, телеграмма жўнат, деди у. Дарҳол юбордим.

Орадан бир неча кун ўтгач, Қозоғистон Компартиясининг съезди бўлди. Унда мени жумҳурият Марказий Қўмитасига аъзо қилиб сайлашди. Шундан сўнг, КПСС Марказий Қўмитасидагиларга мени муҳокама қилиш ноқулай бўлди, шекилли...

— **Нима, муҳокама умуман ўтказилмадими!**

— Ўтказилди. СССР Фанлар академиясида. Ҳеч эсимдан чиқмайди: 13 февраль куни Москвада — Академияда менинг ўн учинчи китобим «Аз и Я»нинг муҳокамасига қирқ олти нафар олим тўпланди. Аксарияти — академик. Улар орасида таниқли тилшунослар, файласуфлар тарихчилар, этнографлар кўп эди.

Мажлис кичик бир танаффус билан, эрталаб соат 9 дан кеч соат олтигача чўзилди. Китобимни ҳумордан чиққунча қоралашди. Фақат Василий Иванович Абаев бундан мустасно (миллати осетин бўлган бу олим ҳинд-европа тиллари бўйича йирик мутахассис ҳисобланади). У мени ҳимоя қилди.

— **Сизгаям сўз беришдими!**

— Энг охирида. Академик Рибаковга қарата шундай девдим: «Борис Александрович, ҳозир рус маданиятига ҳамду сано ўқиб ўтирмайман. Маълумотим, олган тарбиямга биноан бу маданиятга нечоғли мансублигим ўқувчиларим учун шундоқ ҳам тушунарли. Ҳозир бошқа нарсани таъкидламоқчиман: сизларнинг қаршилариигизда тиз чўккан ҳолда муҳаббат изҳор қилишимизга ўрганиб қолгансизлар. Мен эса, ҳеч қачон тиз чўкмайман. Мен типпа-тик туриб, ўзингизга тик қараб, ҳақиқатни айтадиган одамман. Халқим, онам мени шунга ўргатишган. Ва менинг бундай фавқулоддаги ҳолатим сизларни ғангитиб қўйди. Мен китобимда сизлар билан тенгма-тенг гаплашишга уриндим. Бу ғазабингизни қўзғатди. Мен асаримда ўз тарихимизни сизларнинг изоҳларингиз орқали ўрганишга чек қўйиб, уни ўзимиз мустақил билишни истаганимни айтмоқчи бўлдим. Бу эса сизларга маъқул тушмади. Ушбу китоб кетидан шу хилдаги бошқа асарлар чоп этилади ва уларда худди шу йўналиш янада чуқурроқ давом қилинади, деган ваҳимадасиз».

«Вопросы истории», «Вопросы философии» журналларида мажлиснинг кенгайтирилган ҳисоботи босилди. Лекин менинг чиқишимни беришмади.

Орадан хиёл ўтмай, «Аз и Я»ни кутубхоналардан, дўконлардан йиғиштириб олишди, нашрнинг бир қисми бутунлай йўқотилиб юборилди (оддий одамларда эса унга нисбатан қизиқиш катта эди: қўлда китобнинг нархи юзлаб сўмга етиб кетди). Жумҳуриятимиз матбуотида бўлса, асар Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитасида кўриб чиқилиб, салбий баҳо олгани қайд этилган расмий мақола чиқди.

— **Ва ёнида сизнинг мактубингиз ҳам бор эди. Руҳсатингиз билан унинг айрим жойларини эслатсам: «Аз и Я» юзасидан билдирилган танқиддан сўнг мен шунга ишонч ҳосил қилдимки, унда ҳақиқатан ҳам жиддий фактик ноаниқликларга йўл қўйибман. Аксарият хулосаларим илмий жиҳатдан мутлақо асосланмаган. Тан олинган ҳақиқатга, обрўли илм намояндаларига нисбатан ҳурматсизлик қилганман...»**

Ўлжас Умарович, демак, ўшанда Сизни, барибир синдиришибди-да!

— Асло!

— **Унда бу тавба-тазарруингиз!**

— Унинг имзосигина меники эди, холос, матнини бошқалар ёзишган... Китоб Академияда ҳам, жумҳуриятимиз Марказқўми бюросидаям Сусловнинг қатъий кўргазмасига биноан муҳокама қилинувди. Бюродан олдин менга қабул қилинажак қарор лойиҳасини кўрсатишди. Унда «Аз и Я»ни чоп этишгани учун нашриёт ишлари бўйича жумҳурият қўмитасининг раиси, китоб бевосита босилиб чиққан нашриётининг директори ва бошқа қатор айбсиз одамларни партиядан ўчириш, ишдан ҳайдаш айтилганди... Мен буни ўқиб чиққач, очиқ хат ёздим-да уни кўпайтириб, бюро аъзоларига тарқатиб чиқдим. Мактубда ноширларга жазо бериш ноҳақлик эканини, қанча жазо бўлсаям ўзимга берилиши, хатимни эса рўзномада босишларини сўрадим.

Илтимосим бажарилди: ноширлар жазоланмайдиган бўлишди, хат рўзномада чиқди ҳам. Аммо у бошдан-оёқ ўзгартирилганди (ўша, сен айтган тавба-тазарру шаклида). Уни ўқиб ғазабим тошди, қайта-қайта раддия ёздим, лекин чиқаришмади...

ИЗОҲ:

1989 йилнинг кузида Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитаси бюроси Ўлжас Сулаймоновнинг «Аз и Я» китоби бўйича 1976 йилдаги қарорини бекор этди ва асар юзасидан янги қарор қабул қилди. Унда жумладан қуйидагилар ёзилганди: «Марказий Қўмита томонидан тузилган махсус комиссия ўшанда муаллифга тиркалган сиёсий ҳамда мафкуравий айблар нотўғри эканлигини тасдиқлайди ва китобни қайта нашрга тавсия этади».

— **Китоб ҳали чиқмади шекилли-а!**

— Бугун, эрта чиқади.

— **Суҳбатимиз бошида таъкидлаб ўтганингиздек, ҳали тарихимизда биз учун номаълум саҳифалар беҳисоб. Заминимизда, ҳатто бундан 100—150 йил илгари кечган воқеаларга даҳлдор кўплаб фактлар бузилган, улар хусусида сохта назариялар яратилган. Шулардан бири «Ўрта Осиё ва Қозоғистон Чор Россиясига... ўз ҳоҳиши билан қўшилган» деган.**

— Империялар ҳеч қачон ихтиёрий қўшилиш натижасида яратилишмаганини, ҳатто, мактаб ўқувчисиям билади-ку, булар эса...

— **Тажкибланарлиси шундаки, илгари бу ҳақдаги ҳақиқат бараплаб айтиларди. Масалан, «Ўзбекистон халқлари тарихи» китобининг иккинчи жилдида (китоб 1947 йилда Тошкентда, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С. Бахрушин, тарих фанлари номзодлари В. Шишкин, В. Непомниллар таҳрири остида чиқарилган. Унда асосий мақолалар Ю. Готье, В. Пичета ҳамда бошқа таниқли академиклар томонидан ёзилган) Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг босиб олиниши тарихига атрофлича ўрин берилган.**

Шунга ўхшаш бошқа китоблар ҳам бўлган. Аммо кейинчалик бу воқеалар бўяб-бежаб талқин этила бошланди. Ушбу тенденция турғунлик йилларида, айниқса, авж олди. Жумҳуриятимизда чиқариладиган «Ленин учқуни» рўзномаси ҳақиқатни ойдинлаштиришга уринганда, ҳатто «Правда» рўзномасиям унга қарши чиқди... Айримларнинг таъкидлашича: бор ҳақиқат очилса, миллатлар орасида янги низолар келиб чиқармиш.

— Менимча, ҳақиқатни яшириш, уни соҳталаштиришгина низоларга олиб келади. Ахир ошкоралик даврининг талаби ҳам бор гапни очиқ-ойдин кўрсатиш-ку! Ундан кейин, ерларимизни рус халқи эмас, балки Чор Россияси маъмурияти ишғол этган-ку (бундай босқинчиликка нисбатан Россиядаги бир қатор прогрессив намояндалар норозилик билдиришганди).

Биз босқинчилик ҳаракатининг раҳнамоларинииям, она еримизни ҳимоя қилишда жасорат кўрсатишган ҳамюртларимизниям номманом билишимиз лозим.

Мен 1972 йилда жумҳуриятмиз Ёзувчилари уюшмасида сўзлаган нутқларимнинг бирида генерал Скобелев мадҳ этилган асарларга чек қўйилиши лозимлигини айтувдим. Тўғри, бу ҳарбий Болгарияни турклар зулмидан халос этишда қаҳрамонлик кўрсатган. Лекин унинг таржимаи ҳолида қора саҳифалар ҳам мавжуд. У Ўрта Осиёдаги ўнлаб овул-у қишлоқларни вайрон қилдирган, юзлаб одамларнинг қонини тўккан..

Не-не қозоқларнинг ёстиғини қуритган Ермакнинг номи билан аталувчи шаҳар бор бизда ва ҳатто, бу босқинчига бўй-басти баробар ҳайкал ҳам ўрнатилган: у қилич таққанча, гердайиб турибди. Қиличига эса: «Ермакка — миннатдор авлодлардан» деб, ёзиб қўйилган. Бундан ҳам ортиқ шаккоклик бўладими?

1943 йилда ана шу фикр асосида «Ермак ҳайкали пойида» деган шеър ёзувдим. Уни... йигирма олти йилдан сўнг чоп этишди, шундаям кўп сатрларини қисқартириб (бу шеърни 1980 йилда Москвада — Останкино телестудиясида ўтказилган ижодий кечамда тўлиқ ўқиб бергандим).

— **Сизларда яна бир шундай кимса — генерал Черняев номи билан аталувчи шаҳарчаям мавжуд. Бу ёвуз ҳарбий ҳатто Николай подшонинг раъйига қарши бориб, Тошкентга 1865 йилда (ўзбошимчалик қилиб) ҳужум уюштирган. Лекин уни ишғол этолмагач, Анҳор каналини тўсиб қўйган ва орадан бир неча кун ўтгач, аҳолиси сувсизликдан силласи қуриган шаҳарга бостириб кирган. Халқ ёвларга жуда қаттиқ қаршилик кўрсатган... Минглаб одамлар ўлдирилган.**

...Ҳа, рассом Верешчагин, аниқроғи, прапоршчик Верешчагин Самарқандда чоризм аскарларига қарши кўтарилган исённи бостиришда кўрсатган «жасорати» учун Георгий нишони билан тақдирланган. Аммо Тошкентдаги кўчалардан бирига... унинг номи берилган. Ўлжас Умарович, харитамиздан шунга ўхшаш номларни олиб ташлаш вақти келмадимикан!

Давр тақозоси

Қадриятларимиз— қайта қуриш матлаби

Қайта қуриш шарофати билан ҳаётий кучга тўлиб бораётган янгича тафаккур ўзининг теран нурлари ила инсоний қадриятлар устидаги туманликларни чеклаб ўтмоқда. Инсон пировард мақсад сифатида меҳр ва тадқиқот объектига айланди. Бунда ўтмиш йиллар давомида фан ва ижтимоий амалиёт соҳасида эришган ютуқларимизнинг улкан ҳиссаси бор. Коинотни тадқиқ қилиш халқлар ўртасидаги дўстона ҳамкорлик тусини олаётганлиги эса инсониятнинг ер юзида ўзлигини янгича англаши бошланганлигидан нишонадир. Шунинг учун ҳам эндиликда мафкуравий кураш соҳасида шу пайтгача учраб турган «қўшиб ёзиш»лар, шошқалоқликлар ўрнини ҳаётий мулоҳазалар ола бошлади.

Биз бу ўринда илмий материалистик дунёқарашни шакллантиришда эришилган муваффақиятларни эътироф этиш билан бирга, динга муносабат ва даҳрийлик тарбиясида йўл қўйилган баъзи камчиликлар ҳамда уларнинг инсоний қадриятларга таъсири ҳақида фикр юритмоқчимиз. Чунки, ана шу камчиликлар кўп йиллар давомида ишимизнинг кўнгилдагидек олға босишига имкон бермади. Биз 70 йилдан буён: «Дин ўтмиш сарқити», «Бизда диндорлар қолмади» деган ақидаларни такрорлаб келдик. Аслида эса таъминот даражасининг пастлиги, баъзи маҳкамапараст раҳбарларнинг ўз вазифаларини суиистеъмол қилишлари, уруш хавфининг мавжудлиги, жамиятимиз тараққиётининг мураккаблашиб ва қийинлашиб кетганлиги дин яшаб туриши учун қулай шароит эди. Иккинчи томондан, табиий офатлар ҳам диннинг яшаб туришига сабаб бўлди. Бир ёқлама услублар қатор камчиликларни келтириб чиқарди: дин қоидалари ва муқаддас китобларнинг мазмунидан шахсан хабардор бўлмаган ҳолда умумий тасаввурлар ёрдамида динга қарши курашиб келдик; динни инкор қилувчи табиий илмий ютуқлар билан етарлича қуролланмадик. Бундан кўпинча дин эмас, инсоний қадриятлар зарба еди; курашда рақибимизнинг иззат-нафси ҳурматига етарлича эътибор бермадик — «шармандасини тортиш» тарзида иш тутдик; нанмунавийлик — ўз сўзимизда устиворлик етишмади. Ҳатто 1918 йилда В. И. Ленин томонидан имзоланган «Черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисида»ги декретдан ҳам четга оғишлар, эътиқод учун тақиб қилишлар бўлди. Бу, айниқса, қатағон йилларида кўпроқ назарга ташланди. Натижада даҳрийлик тарбиясининг обрўси пасайиб кетди.

Мазкур хатолар ижтимоий-ахлоқий муносабатларда диндор ва даҳрий ўртасида Чин деворини солди. Баъзи даҳрийларимиз барча одамгарчилик қоидаларини четга суриб қўйган ҳолда айрим маросимларда иштирок этганлар бўйнига диндорлик тавқини осавердилар. Бу тарзда диндорга чиқариш пичоқ ушлаган ҳар бир кишини қотил деб эълон қилиш билан тенг эди. Ҳа, айрим «жанговар» даҳрийлар маълум мақсадлар йўлида «орқадан келиб пичоқ санчиш»га ўхшаган зўравонлик усулларидан ҳам фойдаландилар. Баъзилар эса даҳрийликни қадимдан шаклланган иззат-ҳурмат қоидаларига тескари қилиб қўйдилар. Таъзия маросимларига қатнашиш, даврада аҳли ҳурмати учун фотиҳага қўл кўтариш дастлаб инсоний одоб талаби эди. Лекин бизда ҳамон шундай ноаниқликларга чек қўювчи миллий — граждандлик урф-одат ва маросимлари система ҳолида тўла ишлаб чиқилгани йўқ. Умуминсоний ва диний урф-одатлар ўртасидаги муносабатлар чегараси аниқ ёритилмаганлиги тарбиячиларни ҳам, тарбияланувчиларни ҳам ноқулай аҳволга солди. Очиғини айтиш керакки, динда атрофлича баён этилган айрим масалалар (жумладан ўлим) бизнинг назариямиз таркибида етарлича ёритилмаган эди. Шу боисдан ҳам бу масалада халқнинг динга томон мойиллиги сақланиб келди. Биз тарбиячилар эса, дин ақидалари ҳаёт учун вақтинча қулай бўлиб кўринишидан қатъи назар, улар умидсизлик хусусиятга эга эканлигини илмий тушунтириш ўрнига тақиқлар ва таъқиблардан фойдаландик.

Муҳолифларимиз ҳурматини жойига қўя билмаганлигимиз ҳам баъзи ноҳушликларга сабаб бўлди. Одоб ила мусоҳаба юргизмоқ баъзилар ўйлаганларидек нуқтаи назарнинг мағлубияти эмас, аксинча, унинг мустаҳкамлигидан — эътиқод камолотидан нишонадир. Шундай экан қалбларни ром этувчи муомала одоби ва мунаввар ҳақиқат кучи билан инсонни тўғриликка бошлаш осонроқ эмасмиди! Ҳа, бизнинг тарбия санъатимизда худди ана шу сеҳрли «оҳанг» етишмади. Баъзан даҳрийлик тарбиясини маънавий, муте кимсалар қўлига топшириб қўйдик. Уларнинг баъзилари диндорлар билан ҳамтовоқ бўлиб кетдилар. Айримлари эса босар-тусарларини унутиб мулла, эшонларни китобларда, саҳналарда, экранларда масҳара қилдилар, ғирт нодонга чиқариб қўйдилар. Ўзларини ҳаммадан одобли ва доно замона Афлотуни деб билдилар. Ҳамон бунингдек кўзни юмганча отиб турган «жанговар» даҳрийларимиз йўқ эмас. Синфий ва ғоявий муҳолифликларга ортиқча эътибор беришдан ахлоқ ҳам, миллат ҳам катта талофат кўрди. Шу туфайли ҳам эътиқодимизнинг ҳаётий кучига бошқаларни ишонтиришимиз қийин бўлиб қолди. Бундай бемулоҳазаликларимизнинг сабабларидан бири дин тарихини яхши билмаслигимиз, динни тарихий-илмий жиҳатдан тушунтириб бера олмаслигимиз эди. Тарих эса «беркитиб қўйилган», ўтмишимизнинг жозибали лавҳалари «илғорлик», «ғолиблик»нинг хира бўёқлари остида кўмилиб қолганди. Биз инкор қилмоқчи бўлган ақидалар ифодаланган диний китоблар, жумладан, Қуръоннинг таржимаси чоп этилса, у фақат диний манба эмас, балки адабий-тарихий манба сифатида ҳам даҳрийларга катта хизмат қилган бўлур эди.

Ҳозир Бухоро шаҳри даҳаларида қанчалаб масжид бинолари ташландиқ ҳолда ётибди. Шофиркон ноҳиясидаги «Моҳитобон» масжидининг аҳволи ҳам уларникидан кам эмас. Бундан икки-уч йил олдин Шофиркон ноҳиясининг Ленин номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Хўжабўстон» зиёратгоҳи бузилиб, унинг ёнидаги шифобахш сувли қудуқ кўмиб ташланди. Шунингдек, ўтмишда «Хўжа-Уббон» («Хўжа Ёббон») қудуғи ҳам вайрон қилинган эди. Лекин, бу калтабинлик усули сиғинувчиларни камайтира олмади, аксинча улар кўпайдилар. Ниҳоят пасту-баланд аллақанча маҳкамаларнинг «текширишларидан» сўнг бу ерда даволаш пункти барпо этиш режалаштирилди. Ўзбекистонда 50-йилларнинг ўрталарида 30000 та тарихий ёдгорлик бўлган бўлса, тарихий бойликларга лоқайдлигимиз, ясама курашларимиз таъсирида эндиликда улардан бор-йўғи 7000 та қолди, холос. Бухоро вилоятида ҳозир бундай тарихий ёдгорликлар 603 тани ташкил этади. Мавжуд обидаларимизнинг бошига ҳам шу каби кўнгилсиз оқибатлар тушмаслиги учун уларнинг баъзиларини маҳаллий аҳолига, айримларини эса диндорларнинг ихтиёрларига топшириш мақсадга мувофиқ. Яқинда диндорлар ихтиёрига берилган «Баҳовуддин», «Масжид-Калон» каби обидаларда бошлаб юборилган дастлабки таъмирлаш ишлари тутилган йўлнинг хайрли эканлигини кўрсатмоқда. Бу тадбирни кенгайтириш диндорларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш билан бирга уларнинг фуқаролик бурчларини бажаришлари учун ҳам муҳимдир.

Вилоятимиз ҳудудидаги «Маҳмуд-Торобий» қабристонидаги ёдгорликни тиклаш, «Қизбибий» ансамблини таъмирлаб туристик зиёратгоҳлар қаторига қўшиш тарихий ҳақиқат ўз қиёфасини тиклаши учун зарур. Фалсафий тасаввурнинг йирик вакилларидан бири Абдухолиқ Ғиждувоний ёдгорлиги, нақшбандизм таълимотининг асосчиси Баҳовуддин ёдгорлиги ҳамда бошқа тарихий шахслар ва воқеалар билан боғлиқ бўлган ёдгорликларга батафсил баён этувчи тарихий лавҳалар ўрнатиш керак. Ана шунинг ўзиёқ энг яхши даҳрийлик тарбияси бўлиб, халқни ҳар қандай диний тасаввурлардан халос қилишнинг дастлабки қулай воситасидир.

Шу пайтгача йўл қўйган баъзи тақиқу-таъқибларимиз билан даҳрийлик тарбиясида ҳеч нарсага эришиш мумкин эмаслигини ҳаётнинг ўзи исботламоқда. КПСС Ҳаракатномасида кўрсатилганидек, «...диний хурофотларни бартараф этиш учун динга ишонувчиларнинг ҳис-туйғулари таҳқирланишига йўл қўймаган ҳолда ғоявий таъсир воситаларидан фойдаланиш» асосида тарбиявий иш олиб боришимиз лозим. Ер юзида соғ-омон яшаб қолиш ва умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилиш олдида мафкуравий рақобатлар иккинчи даражали эканлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Инсон манфаатларига, социалистик тузум манфаатларига хизмат қилиши мумкин бўлган барча имкониятлардан фойдаланишимиз шарт. Ҳаёт биздан барча ютуқларимизни инсон манфаатлари нуқтаи назаридан туриб сарҳисоб этишни талаб қилмоқда. Тарбиянинг кучи эса ҳаёт талабларига тўғри жавоб бера олишда кўринади.

Р. ШОКИРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.

ЁМҒИР ОСТИДА

— Аллақачоноқ келган! Лекин бу тадбирни ҳушламайдиганлар ҳали кўп-да. Бунга, масалан, Александр Николаевнинг қуйидаги шеъри далилдир:

Кўпдир улар, давр чанглари
Ютиб кетди барин аёвсиз.
Қандай улуғ, шонли номларни
Ўзгартириб хато қилдик биз.
Янги номлар яралди такрор,
Шонли номлар бўлдилар абас.
Мен шодманки, «Владивосток» бор!
Минг афсус, йўқ «Владикавказ».
(Асқар Маҳкам таржимаси).

Владивосток — «владей Востоком», Владикавказ — «владей Кавказом» бирикмаларидан ташкил топган бўлиб, «Шарққа эгалик қил», «Кавказга эгалик қил», деганини англатади. Кўряпсанми, Россия империяси сиёсатининг илдизлари сақланиб қолиши учун қанчалик жон куйдиряпти бу шоир. Келиб-келиб, ушбу шеър «Дружба народов» журналида чоп этилган?! Бу эса халқлар ўртасидаги дўстликка путур етказишга хизмат қилади-ку, ахир!

— Ушбу дўстликка раҳна солувчи яна бир иллат, менимча, миллий жумҳуриятларга марказдан раҳбарлар юборишга ўта урғу беришдир. Тўғри, бунда айрим маҳаллий ҳукумдорларнинг сиёсий лаганбардорлигиям катта роль ўйнаётир. Бу борада Усмонхўжаев ҳаммадан ошиб тушди. «Ўзбекистонга зўр-зўр кадрлар жўнатилган!» деб Москванинг жон-ҳолига қўймади у. Юборилди. Жуда кўп вазифаларга. Лекин ўша «зўр-зўр» кадрларнинг кўпи аслида бир чақага ҳам қиммат эканини ҳаёт яққол кўрсатди: вазифаларини эплолмай шарманда бўлишди улар.

— Ахир халқнинг тилини, дилини, урф-одатларини билмайдиган одам қандай қилиб раҳбарлик лавозимида ишлай олади? Иккинчидан, бу сиёсатга урғу бераверишнинг — туб аҳолига ишончсизликнинг ўзи-ку?!

— Черниченко деган публицист эса ушбу сиёсатни ёқлаб чиқиш билан бир қаторда, «Биз Ўзбекистонга виждон экспорт қилаяпмиз», деб оғиз кўпиртирувди ҳам.

— Бундан чиқди-ки, уларда виждон ошиб-тошиб ётган экан-да, (кулади). Узоқ йили Петр Проскурин билан баҳслашиб қолганимизда, у: «Россиянинг виждони — Василий Белов», — деб қолди. «Петр Лукич,— дедим бунга жавобан — сизнингча Россиянинг виждонини қиёсласа бўлади, унинг виждонини ўлчаш мумкин экан, ҳар ҳолда, жуссангиз тўғри келади. Белов эса... Наҳотки, Россиянинг виждони шунчалар кичкина бўлса?» (Белов миқтигина одам-да). Бу ҳазил эди, албатта. Аммо жиддий айтганда, ҳамма халқларнинг виждони бирдай, барча халқларнинг виждонига ягона эгаси... бу ҳеч бир халқ ўзга халқнинг виждонига муҳтож эмас.

— Худди шу Белов СССР халқ депутатларининг иккинчи съездидаги нутқида «Россияни талашяпти. У ҳақоратланаяпти, у таҳқирланаяпти», — деганди, ўкинч билан. Сиз — Қозоғистон, мен эса — Ўзбекистон ҳақида ҳам ана шундай десак, ҳақиқатдан йироқ бўлмайди...

Ким талаяпти ўзи, бизларни!

— Бу муаммо мениям анчадан буён ташвишлантириб келади. Илгари чиндан ҳам Россия таларди. Чунки у мустамлакачи, бизлар мустамлака эдик-да. Аммо инқилобдан сўнг Сталин давлати вужудга келгач Россиянинг ҳам мустамлакадан фарқи қолмади: у ҳам хом ашё базасига айланди. Барчамизнинг бойликларимизга давлат яккаю ягона хўжайин бўлиб қолди. Мана қара, Қозоғистондаги маҳсулотнинг 93 фоизи марказга жўнатилиб, етти фоизигина ўзимизда қолади.

Маркс таълимотига биноан социалистик жамиятда давлат ўз-ўзидан тугаши керак эди. Бизда эса аксинча бўлаётир: социализм ҳақида қанча кўп жар солсак, давлат ўшанча кучайиб бормоқда. У мустаҳкам бир қўрғон ичига кириб олиб, нуқул ўзининг тинч, осуда ва тўқ ҳаётиҳақида ғамхўрлик қилиш билан банд. Тўғри, сарф-харажатлар ҳам бўлмоқда, лекин, асосан, қурол-яроғларга, кераксиз аммо бири иккинчисидан улкан қурилишларга ва яна алламбалоларга. Ҳа, ундан кейин — сон-саноқсиз вазирликлару маҳкамаларга. Канадада, биласизми, нечта, атиги учта вазирлик бор экан!

— Сиз СССР Олий Советининг ҳам депутати бўлгандингиз, мана энди СССР халқ депутатисиз. Олдинги парламент билан ҳозиргисининг фарқи нима деб ўйлайсиз!

— Фарқи осмон билан ерча. Қарийб ярим аср «умр кечирган» эски парламент сценарийси анча олдин ёзилиб тасдиқланган, роллар керакли актёрларга тақсимлаб чиқилган театр томошасининг ўзгинаси эди. Унда нафақат сўзга чиқувчилар, балки айтилажак гаплар ҳам қатъий белгиланган бўларди. Бордию, депутатлардан бири сўз сўраб қолгудек бўлса, унга жиннига, ёки Дон Кихотга қарагандек қарашлари турган гап эди. Шу сабаб бу театрдаги ўйин қоидасини бузишга ҳеч ким журъат қилолмасди. Аммо ундаги воқеаларниям ҳеч ким жиддий деб билмас ва депутатлар ҳар бир сессияни нокерак, аниқроғи, фахрий бир ташкилот деб ҳисобларди.

Лекин бошқа томониям бор эди: кўпчилигимиз депутатлик мандатимиздан фойдаланиб, сайловчиларимизга қўлимиздан келганича ёрдам беришга уринардик.

— Шахсан Сизнинг Олмаота паррандачилик бирлашмасининг бош директори Ковниконинг тақдири учун олиб борган курашингизни яхши биламан.

ИЗОҲ: «Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитаси Марказкўм қошидаги партия назорати қўмитасига «Коммунист У. Сулаймоновнинг жиноятчи Ковнико ишига субъектив ёндашаётганлиги сабабларини текшириб, У. Сулаймоновга тегишли жазо беришни топширади». Қозоғистон Компартияси Марказий Қўмитасининг 1987 йилги март Пленуми қароридан.

— Шу қарорнинг натижаси қандай тугади?

— Ҳақиқат тантанаси билан. Ковникони қамоқдан озод қилишди, фирқага тиклашди, лавозимини қайтариб беришди. Бу одам ниҳоятда принципиал, ўз ишига чексиз меҳр қўйган, юқори малакали мутахассис ҳисобланади. Ковнико паррандачилик соҳасида докторлик диссертациясини ёқлаб, шу соҳада бевосита ишлаётган якка олимдир. Унинг «камчилиги» шунда эдики: ким бўлишидан қатъи назар, ҳақиқатни шартта бетига айтарди, лаганбардорликни билмасди. Унинг қамалишига қайсидир йилги обкомнинг биринчи котибига гап қайтарганлиги туртки бўлганди (ўзи кўпдан бери унинг пайини қирқмоқчи эдилар).

— Табиийки, партқомиссиядагилар Сизниям текширишган!

— Текширишди. Ҳатто аъзолик бадалларимни. Аммо мен оширб ўтган эканман: бунинг учун эса жазолаш ишдалиқа ноқулай, шекилли (кулади).

— Сизни янги парламентга ўтказилган сайлов қониқтирадими!

— Йўқ. Чунки унда кетма-кетлик принципи бузилди. Аслида, аввало пойдевор қурилиши, яъни маҳаллий советларга сайлов ўтказилиши, кейин девор тикланиши — жумҳурият Кенгашларига сайлов ўтказилиши ва охири том ёпилиши: яъни СССР халқ депутатлигига сайлов ўтказилиши керак эди. Биз эса янги иморатни томидан бошладик.

ИЗОҲ: Ҳозир мамлакатимиз парламентининг энг фаол депутатларидан бири ҳисобланмиш Ўлжас Сулаймоновнинг СССР халқ депутати бўлиши ўзига хос тарих. Дастлаб унинг номзоди Олмаотадан кўрсатилди. Лекин шоирнинг душманлари шунчалар кўп эканки... Улар Сулаймоновнинг сайланмаслиги учун кўпдан кўп макру ҳийлаларни ишга солишди.

Аввало: «Сулаймонов ўта миллатчи ва ҳатто Олмаотада 1986 йилнинг декабрида бўлиб ўтган воқеаларигаям дахлдор», каби тўҳматлар ёзилган варақалар тарқатилди. Айрим рўзномалар Ўлжас Умаровичнинг сайловолди дастурига қарши мақолалар чиқарди. Радио-телевидениеда унинг обрўйини тўкишга йўналтирилган кўрсатувлар уюштирилди.

Ўлжас Умаровичнинг: «Мен депутатлар орасида икки оғиз гапиниям эплай олмайдиган ишчи, сут соғувчи... ўрнига ҳамма жиҳатдан мукаммал, халқи учун кураша оладиган кучли шахсларни кўришни истайман», деган гапларини илиб олган Марказий телевидение, сайлов бошланишига саноқли кунлар қолганида Сулаймоновни обрўсизлантиришга уринди. «Мен Ўлжас Сулаймонов учун овоз бермайман ва кўпчиликни ана шунга даъват қиламан. Чунки, у биз—оддий халқ, жумладан, сут соғувчиларга қарши экан», — деди бутун СССРга жар солиб, Марказий телемухбирга берган интервьюсида бир колхозчи аёл...

Бу хилдаги можаролар жонига теккан Сулаймонов, номзодини қайтариб олди. Аёғлар ўз ғалабаларини нишонлаш арафасида турганида, халқ уларнинг режаларини барбод этди: минглаб одамлар ўзларининг севимли шоирини Семипалатинск вилоятининг Аягуз шаҳридан депутат этиб сайлашди! Лекин қора кучлар шундаям қабиҳлик қилишди. Олмаотада чиқадиган «Ленинская смена» рўзномасининг А. Иконников деган мухбири ўзининг «Молодёжь Эстонии» рўзномасида чоп эттирган мақоласида У. Сулаймоновнинг депутат бўлишини қуйидагича изоҳлади: «Сулаймонов фаолияти Семипалатинск атом полигонини ёпишга йўналтирилган «Невада» ҳаракатини (аниқроғи, «Невада-Семипалатинск» А. Ж.) тузиш шуҳрат орттириш учун атайлаб сайлов олдидан ташкил этди. У мақсадига эришди ҳам — СССР халқ депутати бўлди. Уни полигон атрофида яшовчилар сайлашди. Аммо, очиғини айтганда, бундай ҳаракатнинг ёки ташкилотнинг ҳеч кераги йўқ, чунки, ҳарбийлар шундоқ ҳам полигонни, узоғи билан бир-бир ярим йил ичида ёпишга қарор қилишган...»

— Шу мақоладан хабарингиз борми!

— Ҳа. Балки унинг муаллифи билмасдир — мен полигонга қарши қарийб 26 йилдан бери курашиб келяпман. 1949 йилда Бериянинг ташаббуси билан очилган бу жойда атом қуроллари ўн беш йилча очиқ ҳавода портлатилди. Ўнлаб синов одамларнинг соғлиғига, экологиямизга сўз билан тасвирлаб бўлмас даражада талофат келтирарди. Мен 1963 йилда полигонни ёпиш фикри баён этилган шеър ёздим. Хуллас, кенг жамоатчилик бир бўлиб, синовларга чек қўйилишини кўтариб чиқавердик. Ва натижада синовлар ер остига кўчирилди.

Таниқли мутахассислар «Ер ости синови мутлақо безарар», деб бизни ишонтиришди. Гарчанд юрагимиз тубида ушбу синовлардан норозилик аломати бўлса, уни «бостиришга» уринардик. Чунки, рости, биз давлат манфаатларини халқ манфаатларидан доимо юқори қўйишга ўргатилган эдик. Ҳатто айримларимиз эса портлатишнинг мамлакат мудофаа қудратига қўшаётган ҳиссасидан фахрланиб юрардик ҳам.

Ўтган йили февралнинг бошларида Халқаро шартномага биноан қисқартирилиб, йўқ қилиниши мажбур қилинган ўрта ва яқин масофадаги ракеталар жамланиб, портлатила бошлангач, юрагимиз тубидаги ўша норозилик ўз жиловини узиб ташлади. Чунки ушбу портлатиш туфайли одамлар ҳам, замину ҳайвонлар ҳам анча азият чекишди. Лекин бизни яна юпатишга уринишди: «Бунинг ҳеч қандай зарари йўқ», деб. «Безарар бўлса нега бошқа жойда, айтайлик, Подмосковьеда портлатмайсизлар уларни? Биз Қозоғистоннинг атом ахлатхонасига айланишига йўл қўймаймиз!» дедик.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай — 12 февралдаги ер ости синовидан сўнг ишқорли ёмғир бошланиб, ҳатто полигондан анча узоқликдаги дарахтларнинг барглари қоп-қорайиб кетди. Мен буни тасодифан билиб қолдим. Сабабини суриштирсам, ҳеч кимдан жўяли бир жавоб бўлмади. Аммо, одамларнинг тахминича, синов пайтида ҳавога радиоактив газлар чиқиб кетган экан...

Журналистларни тўплаб, матбуот конференцияси ўтказдим. «Илтимос, суриштириб-билиб, шу хусусда мақола чиқаринглар», деб мурожаат қилдим уларга. Лекин, илтимосим инобатсиз қолди. Охири, жумҳуриятимиз Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарига телефон қилиб, сўрадим: «Хабарингиз борми, газ чиқиб кетибди?..» «Ҳа, шундай бўлиб қолибди», — дея мужмал жавоб қайтарди у. «Йўқса, шу ҳақда аниқ маълумот беришингизни сўрайман. СССР Олий Кенгашининг депутати сифатида». «Яхши, лекин воқеани атрофлича ўрганиб чиқиш керак. Полигонга махсус комиссия юборамиз ва натижасини албатта, хабар қиламиз».

Ўн кунлардан кейин жавоб келди. Унда баъзи техник носозликлар оқибатида радиоактив газ чиққани, аммо у жудаям оз миқдорда бўлиб, ҳеч кимга зиён етказилмагани, келажакда бундай воқеа такрорланмаслиги ёзилганди. Бу — чалаҳақиқат эди. Шундан кейин бир неча депутат бирлашиб, СССР ва Қозоғистон ССР Олий Кенгашларига мактуб ёзиб, полигонда 12 февралда рўй берган нохуш воқеани чуқур ўрганиб чиқиб, уни оммага ошкор қилишларини сўрадик. Мактубимиз жавобсиз қолди.

Бу эса ер ости синовининг зарарсизлигига нисбатан шубҳа уйғотди ва биз полигон атрофида яшовчилар билан учрашиб, анча суҳбатлашдик. Шу нарса маълум бўлдики, синовлар даврида радиоактив газлар тез-тез чиқиб турар, бунинг оқибати эса ниҳоятда даҳшатли бўларкан. Аммо, бу ҳақиқат жамоатчиликдан яшириниб келинар экан.

ИЗОҲ: «Семипалатинск полигонидаги синовлар натижасида биргина Қайнар посёлкасида сўнгги йиллар давомида рак касалидан 241, қон касалидан 14 нафар одам ўлган. 41 чақалоқ ногирон бўлиб туғилган. 32 киши ақлдан озган, 104 одам ўзини осиб ўлдирган. Абай ноҳиясидаги эса... иккибошли (!!) шунингдек, қўлсиз, буйраксиз болалар дунёга келишаётир. «Қизилту» совхозида 600 бош қўй кўр бўлиб қолган. Ярим миллион сайғоқ бир кунда нобуд бўлган...»

Юракни эзиб юборувчи ушбу далилларни мен «Невада-Семипалатинск» ҳаракатининг бош қароргоҳидан олдим. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасида, аниқроғи, Ўлжас Сулаймоновнинг кабинетида фаолият кўрсатади (А. Ж.)

— ...Шу ҳақиқатни одамларга зудлик билан етказиш ва уларни полигонни ёпишга ундашни мақсад қилиб қўйдим. Аммо қай йўл билан? Матбуотдагилар ёрдам беролмаслиги аниқ эди. Телевидение-чи?

Ўша кунларда менинг телевидение орқали чиқишим режалаштирилган бўлиб (тўғридан тўғри эфир), унда сайловолди дастурим хусусида гапиришим керак эди... Таваккалга бордим: дастур қолиб томошабинларга полигон одамлар бошига ёғдираётган кулфатлар ҳақида сўзладим ва 28 февраль куни ана шу муносабат билан Ёзувчилар уюшмасида митинг ўтказилажагини айтдим...

— Митингга ҳеч ким тўсиқлик қилмадими!

— Шундайлар топилди, албатта. Аммо уни, барибир, ўтказдик. Ўзиям беш минг киши тўпланди. «Невада-Семипалатинск» ҳаракатига ўша куни асос солинди.

— Маъзур тутасиз-у, Неваданинг қандай алоқаси бор Сизларга!

— Гап шундаки, ядро қуролини синаш бўйича дунёда иккита улкан полигон мавжуд. Бири биздаги бўлса, иккинчиси — АҚШнинг Невадасида (Ҳатто инглизлар ҳам ўз қуролларини ўша ерда синашади. Катта пул эвазига, албатта). Бизнинг мақсадимиз америкаликлар билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиб, ҳар иккала полигонниям ёпишдир.

Энди ўша Иконниковнинг мақоласига қайтсак. Бордию, мен радиоактив газлар чиқиши ва унинг оқибати нималарга олиб келишини илгарироқ билганимда, наҳот қўл ковуштириб ўтирган бўлардим? Йўқ, албатта! Бу эса тақдир тақозоси туфайлигина сайлов арафасига тўғри келди, холос.

— Халқ депутатларининг иккинчи съездида ВЦСПС раиси сўзга чиқиб, Семипалатинск вилояти меҳнаткашларининг полигонни ёпиш бўйича мурожаатни ўқиб бергани эсингиздами! Танаффусда эса бир гуруҳ генераллар ушбу мурожаат, ҳамда сизларнинг «Невада-Семипалатинск» ҳаракатингизни муҳокама қилишаётганининг гувоҳи бўлдим. «Нуқул ёпилсин» деб жар солишаверади. Ахир керак-ку у! Ундан кейин Америкадаям полигон бор, лекин америкаликлар Қозоғистондаги ўша ҳаракатни қўллаб-қувватламаяпти, экан», — деб қолишди улар... Сиз бунга нима дейсиз!

— Съезд бошланмасидан олдин мен АҚШда бўлиб бутунлай бошқача манзарани кўрдим. У ерда бу борадаги кураш бизга қараганда бир мунча фаол экан. Мен ядро синови тўхтатилиши учун иш олиб бораётган эллик еттита (!) жамоат ташкилотининг вакиллари билан учрашдим. Режаларимизни баҳам кўрдик. Ўзаро ҳамкорлик қилишга келишиб олдим. Жумладан, уч-тўрт ойдан сўнг «Жаҳон сайловчилари — ядро синовига қарши!» шиори остида Халқаро анжуман ўтказадиган бўлдик, Олмаотада. Боя таъкидлаганимдек, унинг ҳаражатини «Сиабека» фирмаси кўтаради.

— Ядро полигонлари одамлар ва сайёрамизни не-не кулфатларга гирифтор этаётгани сизларнинг фидойилигингиз туфайли, мана ниҳоят, халққа аён бўлаётир. Аммо, ҳақиқатда ҳам, ўша генераллар айтишгандек, уларни ёпиш... Бунинг учун, энг аввало, ядро қуролларининг ўзини йўқотиш керак эмасми! Тўғри, сўнгги пайтларда олиб борилган музокаралар натижасида уларнинг баъзи турлари камайди. Лекин бу — денгиздан томчи, холос. Аммо, яна бир томони борки, ушбу қуроллар бетиним равишда мукаммаллаштириляпти. Бу эса, биринчи галда, синовни тақозо этади. Синовлар бўлса, қаерда ўтказилишидан қатъи назар (ҳатто полигонларни Антарктидага кўчиришгандаям), инсониятга зарар келтираверади-ку!

Айтмоқчиманки, ўта хайрли ва шу билан бирга, ўта чигал муаммога қўл урибсизлар. Унинг ҳал этилишига ўзингиз ишонасизми, Ўлжас Умарович!

— Юз фоиз! Полигонларни бемалол ёпса бўлади. Бунинг бирдан-бир йўли — ядро қуролларини (улар йўқотилса олам гулистон бўларди-ку!) умуман портлатмай... синаш.

— !!

— Яъни лабораторияларда. Бу мутлақо безарар усул. Съезд пайтида академик Сахаров билан учрашиб, шу усул ҳақида анча янги маълумотлар олдим. 14 декабрь куни кечқурун, съезд йиғинидан сўнг Андрей Дмитриевич «Москва» меҳмонхонасига — менинг хонамга келди. Биз бир ярим соат гаплашдик. У ҳаракатимизни қўллаб-қувватлашга тайёрлигини айтди. Ҳатто Халқаро анжуманимизда қатнашиб, нутқ сўзлашга ваъда берди. Аммо... Кеч соат 9 да уни машинада уйига обориб қўйдик, орадан икки соат ўтгач эса, Андрей Дмитриевич оламдан ўтди... Ҳеч ишонгинг келмайди, одамнинг...

— Ўлжас Умарович, «портлатмай синаш» усулига ўтиш, наҳотки шу қадар қийин бўлса!

— Қийинликка қийин эмаску-я, лекин у юзлаб ҳарбийларнинг нонини яримта қилади-да. АҚШдаги ҳисоб-китобларга қараганда, ҳар бир портлатиб синашга ўртача 25—30 миллион доллар сарфланар экан. Бизда ҳам албатта, шунга яқин маблағ кетади. Бу пулларнинг кўпи синовдан ўтказиш билан шуғулланадиган сон-саноқсиз ҳарбийларнинг чўнтагига келиб тушади. Ундан ташқари синов қай бирларининг унвонларини, қай бирларининг лавозимларини оширишга хизмат қилади. Шунча имтиёзлардан эса ким осонликча воз кечади, деб ўйлайсиз?..

Анвар ЖЎРАБОЕВ,
Жезқозғон — Олмаота — Тошкент,
1990 йил, январь.

Хорижадан хабарлар

ИЛМИЙ АНЖУМАН

● ПОРТЛЕНД (Орегон штати). СССРдаги янги сиёсий тафаккур тақозо этган туб ўзгаришлар, узоқни кўзловчи тинч ташаббуслар ҳамда умумжаҳон ва регионал муаммоларга янгича ёндашувлар Осиё-Тинч океан регионидаги сиёсий муҳитга ва давлатлар ўртасидаги муносабатларга жуда катта таъсир қилмоқда. Ана шу жараёнларнинг бир-бирига боғлиқлигини бу ерда очилган «Тинч океан ҳавзасидаги муносабатларнинг янги даври: 90-йиллар учун кун тартиби» мавзусидаги 8-йиллик Америка-Совет Тинч океани конференцияси қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар.

Американинг халқаро муносабатларга доир мутахассислар тайёрловчи етакчи олий ўқув юртларидан бири — Льюис ва Кларк коллежи томонидан ташкил этилган ваколатли илмий-назарий анжуманга АҚШ, СССР, Хитой, Япония, Тайванддан Осиё-Тинч океан регионi муаммолари бўйича таниқли мутахассислар регионидаги ҳозирги вазиятни, регион тараққиётининг стратегик тенденцияларини ва ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтиришнинг аниқ йўлларини муҳокама қилиш учун келдилар.

Ироқ калейдоскопи

ОЗИШ КАМПАНИЯСИ

Ироқда бошланган «озиш кампанияси» бундан икки йил муқаддам унинг президенти ташаббуси билан амалга оширилганди. Бундан кўзланган асосий мақсад шуки, барча босқичдаги раҳбар ходимлар спорт билан фаол шуғулланишлари ва камроқ касалланишлари эди. Маълумки, ортиқча семизлик турли касалликларнинг келиб чиқишига бош омилдир. Ўтган йил апрелида навбатдаги тортишдан сўнг турли идораларнинг бир қанча бошлиқлари эгаллаб турган вазифаларидан пасайтирилганлар. Бунинг сабаби — албатта, семизликдир. Шу билан бир вақтда кўплаб раҳбарлар шахсий намуна кўрсатиб парҳезга амал қилиш ва доимий ҳаракатда бўлиш орқали оғирликни тезда нормага келишини исботлаганлар. Маданият ва ахборот вазирининг ўринбосари Нури Ал-Марсуми ярим йил ичида 30, Ироқ бош вазирининг биринчи муовини Тоха Ясин Рамадон эса 50 килограммга озишган.

Апрель — оғирликни ўлчаш ойи бўлди. Боғдоддаги спорт базалари, ҳаммомлар ва сауналар эса бу пайтда одам кўплиги учун қўшимча куч билан ишлади.

БИРОЗ ҲУРМО ҲАҚИДА

«Келин бармоқлари», «сарғимтир», «шакарли» — булар Ироқдаги хурмоларнинг энг оммавий хили бўлиб, маҳаллий аҳоли уларсиз ўз дастурхонини тасаввур қила олмайди. Дунё бўйича 90 миллион туп хурмо пальмаси борлиги ҳисобланган. Уларнинг 19 миллиони Ироқ ҳудудида ўсади. Инсониятнинг биринчи қонунлар мажмуасида — бундан тўрт минг йил илгари тузилган шоҳ Хаммурапи кодексида — хурмо пальмасини ўстиришга бағишланган еттита параграф бўлган. Шунингдек, кимда ким бу дарахтга шикаст етказса қаттиқ жазоланган.

Дунё бўйича хурмо экспортининг 75 фоизи Ироққа тўғри келади. 60 мамлакатга унинг ширин мевалари етказиб берилади. 1990 йилда СССРга жўнатиш ҳам кўзда тутилган. Ироқлик олимларнинг гувоҳлик беришларига қараганда, 1 килограмм хурмо 3 минг калорияга, яъни катта ёшдаги одамга бир кунда керак бўладиган каллорияга тенг экан. Хурмо таркибида темир, мис, олтингугурт, фосфор каби зарур элементлар, А, В, С, дармондорилари бор. Қадимий Вавилонда яшаганлар хурмонинг 365 фойдали хоссасини ёзиб олишган. Ироқликлар ҳазиллашиб: «Агар эркак киши кечқурун бир ҳовуч хурмо еса, бир ўзи ухлай олмайди», дейишади.

«КИЧКИНА СЕҲРГАР»

Ўз синфдошлари бўлган Ханан Жаннабини дугоналари ана шундай дейишади. Етти ёшли Ханан ҳақиқатан ҳам ажойиб қобилиятга эга бўлиб, уни ҳозирча ироқлик олимлар тушунтириб бериша олишмаяпти.

— Биринчи бор Ханан оиламизни бундан икки йил олдин ҳайрон қолдирган эди, — дейди қизнинг отаси, касби бўйича инженер бўлган Омар. — Нима сабабдандир хонага кирдиму қизим кўзини юмиб ўтирганини ва қутидаги фломастерларни бирма-бир олиб рангини айтаётганини кўрдим. Кейин бу авж ола бошлади. Ханан кўзи боғланган ҳолда қалин мода журналларини варақлар, маникеншаларнинг ялтироқ суратлари устига кафтини қўйиб, кийимларнинг рангини, бош кийимларини ва ҳатто тугмаларини бехато айтиб берарди. Ҳозир қизча одамларнинг кийимларини, турли буюмларини ва предметларни узоқдан туриб ҳам айтиб бермоқда.

Ханаинниг сўзларига қараганда буларнинг ҳаммаси жуда осон кечади.

— Кўзимни боғлаб қўйишганда, — дейди қизча, — менинг иккала чаккамни қоронғулик босади, кейин турли рангдаги нурлар кўрина бошлайди. Шу рангларга биноан қўлимда ушлаб турган ёки узоқдан кўрсатишаётган нарсанинг рангини билиб оламан.

Хананнинг гапларига қараганда, қора ва жигаррангни бир-биридан ажратишда қийналар экан. У қолган барча рангларни бехато айта олади.

Евгений МИКИТЕНКО,
АПН мухбири.
БОҒДОД.

Воқеа содир бўлган жойдан репортаж

Халқ талаби— осойишталик

АНДИЖОНЛИКЛАР ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА.

Кўриб кўзингиз қувонадиган, баҳри-дилингиз очиладиган кўҳна Андижоннинг савдо расталари, дўконлари, сўлим хиёбонлари ўрнида, эндиликда куйиб кул бўлган иморатлар, ғишт ва темир парчалари... Вайронагарчиликни кўриб қалбингизда оғриқ туради. Нега шундай бўлди? Халқнинг мисқоллаб йиққан маблағларини кўкка совуриш, оға-инидек яшаётган халқлар ўртасига нифоқ солиш, уларнинг бошпанасидан маҳрум этиш кимга керак? Давомли саволлар тоғдек залвор билан елкангизни босаверади. Хўжалик ҳисобидаги «Спартак» клубининг мутасаддилари лавзсизликка йўл қўйди. Буни инкор этиб бўлмайди. Дарғазаб бўлган ишқибозлар стадионга ва пул-буюм лотереяси учун қўйилган машиналарга ўт қўйишгандан сўнг эс-ҳушларини йиғиб олишса бўлмасмиди? Афсус, бундай бўлмади. Шаҳарнинг кўрки бўлган, йиллар давомида тикланган тарихий воқеаларга шоҳид бўлган иморатлар яксон этилди. Ахир, Ленинград, Москва, Киев сингари қадимий шаҳарларда авлодлар ота-боболаридан қолган оддий ғиштни ҳам мерос сифатида эъзозлаб келмоқдалар-ку?! Нега бизнинг айрим қўлига эрк берган кимларнингдир қутқусига, алдовига учган ёшларимиз ана шу оддий ҳақиқатни англаб етишмаяпти. Буни қандай баҳолаш керак? Жоҳилликми? Ҳеч бир қуюшқонга сиғмайдиган, оқлаб бўлмайдиган ҳол бу.

Бозор қадим-қадимдан энг азиз жой ҳисобланган. Деҳқон пешона тери билан ҳосил етиштириб, гоҳида ўз фарзандига едирмай, рўзғор тебратиш учун озроққина пул қилиш учун бу ерга олиб келади. Аммо, бозорга ўт қўйиш деҳқоннинг ризқини қийиб қўйишни нима деса бўлади?

2 май куни юз берган тартибсизлик оқибатида Андижон шаҳридаги «Октябрь» деҳқон бозорининг 150 ўринли қуруқ мева сотишга мўлжалланган савдо растаси ёниб кетди. Энг ёмони—халқ суйиб истеъмол қиладиган девзира гуручи, ўрик қоқи, хандон писта, майизлар ер билан битта бўлди. Аччиқ тутун ичра буруқсиб ёнди. «Октябрь» деҳқон бозорининг директори Ҳалимахон Жумабоева шундай ҳикоя қилади:

— Ўша куни кечки томон оломон бозор томон ёпирилиб келди. Биз бозорнинг Воровский, Люксембург кўчаларидаги ровотларини беркитишга улгурдик, холос. Аммо Энгельс кўчасидаги ровотдан оломон ёпирилиб кирди. Комиссион магазиннинг эшик-ойналарини синдиришди. Кейин...


Савдо шаҳобчаларига ўт қўйишди. Баъзилари талаб кетилди. Оломон ўз-ўзидан жунбушга келгани йўқ. Тартибсизликни уюштириб, ўз манфаати йўлида фойдаланмоқчи бўлганлар ҳам бор. Бошқачароқ қилиб айтганда футбол можароси қора кучларнинг ғаразли мақсадларини амалга оширишга баҳона бўлди, холос. Андижон шаҳар Совети депутати Жўрабой Қирғизов шундай дейди:

— Мен сайловчиларим билан кўплаб учрашувлар ўтказдим. Улар йиллар давомида чамбарчас боғланиб кетган халқлар дўстлигига путур етказишга уринаётганлардан безовта бўлишмоқда. Бундай ўйлаб кўрилса, қўлига эрк бераётганларнинг аксарияти ёшлар, улар орасида 14-18 ёшли ўсмирлар ҳам бор. Биз истардикки айбдорлар жазоланиши керак. Куни кеча Нодира номли кинотеатр олдида аҳолининг митинги бўлиб ўтди.

Рўй-рост айтиш керак, вилоятдаги меҳнат жамоалари турли жамиятлар шаҳардаги жабрдийда оилаларга ёрдам қўлини чўза бошлашди. Бундай мисоллар кўп. Жумладан, Қизил яримой жамияти 10 минг сўм пул ажратди. Аммо, маънавий жароҳат осойишталикка бўлган ишончнинг дарз кетиши-чи? Унинг ўрнини ҳеч қандай маблағ билан ўлчаб бўлмайди.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Ёш ленинчи» мухбири.







СУРАТЛАРДА: Андижоннинг кўркам бинолари, савдо расталари тартибсизликлар оқибатида шундай қиёфага тушди.

А. МИРЗАЖОНОВ суратлари.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

РЕКОРДЧИ БУВИ

● НОРВЕГИЯДА яшовчи Карин Еллингсон ўзига хос рекордчи ҳисобланади. Карин бувининг 55 яшар қизи, 39 ёшли невараси, 21 ёшли эвараси бор. Яқинда эвараси фарзанд кўриб, бувисини чеваралик бўлгани билан табриклади.

ДОРИХОНАДАГИ ВОҚЕА

● УРУГВАЙ пойтахтида камдан-кам учрайдиган воқеа содир бўлди. Монтевидео шаҳридаги дорихоналардан бирига қуролланган ўғри кириб, эгасини ертўлага қамаб қўйдида, кассадаги бор пулини олиб кўча эшигига яқинлашади. Шу вақт дорихонага бир киши кириб, уни доришунос деб ўйлаб, қўлига рецепт тутқазди. Устаси фаранг ўғри дарҳол гап нимадалигини тушуниб, «озгина кутинг», деб ертўлага тушиб кетди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач харидор дорисини олиб чиқиб кетади. Муттаҳам чуқур нафас олиб, иккинчи маротаба «қуён бўлмоқчи» бўлганида кўчадан яна икки киши кириб келди. Янги «касб»ни яхшигина ўзлаштириб олган ўғри бир зумда аёлларга дориларни тутқазиб, ҳатто пулнинг ортиқчасини ҳам қайтиб берди. Шундан кейин у дорихонадан чиқиб кетди...

ОИЛА ҚУРГАН ЯХШИ

● УМР ЙЎЛДОШИ билан ажралишган ёки якка яшовчи кишилар, оилали тенгдошларига қараганда кам ҳаёт кўрар эканлар. Нью-Жерси штатидаги Пристон дорилфунуни олимлари шундай фикрга келдилар. Улар ўтказган тадқиқотдан маълум бўлдики, 30—40 ёшдаги оилали ва якка яшовчи кишилар ўртасидаги умр кўриш фарқи жуда катта экан.

ФУТБОЛ ТЎПИ ҲАЖМИДАГИ СОАТ

ГФРда антиқа соат яратилди. Ундаги рақамлар жаҳондаги энг машҳур футболчилар суратлари билан алмаштирилган. Футбол тўпи ҳажмидаги бу соат Швейцариянинг Базель шаҳрида ўтказилган заргарлик буюмлари кўргазмасида совринли ўринни эгаллади.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ХАБАР

Меҳмонхонага қайтган Гажи Отаев беҳуд толиққанини сезди. Бу пайтда жазирамадан ҳориган Ашхобод ва у билан бирга одамлар ҳам салқинламоқда эди. Тунги салқин ҳужрани забт этиб борар, аммо Отаев, пастқам каравотга чўзилишдан аввал, деразани янада кенгроқ очиб қўйди, ухламоққа уринди. Кун жуда ҳаловатсиз ўтди. Эртангиси ҳам енгил бўлмайди, шекилли. «Ухла, — деди ўзига-ўзи Гажи. — Ҳаммасини унут, ухла».

Кўз юмишга улгурмади — телефон жиринглади.

«Шу маҳалда кимга керак бўлиб қолдим экан?» — деб ҳайрон бўлди Отаев.

Шаҳарлараро қўнғироқ экан.

— Тахтага жавоб беринг, — деди алоқачи қиз.

— Лаббай, — деди осойишта оҳангда Отаев.

— Гажи, — деган садо келди узоқ-узоқдан, — одамларимиз саҳрода йўқолиб қолди. У ёқ чиши.

— Ким бу — гапираётган? — деб сўради овоз эгасини таниб олмаган Отаев. — Оди, сенмисан?

— Ҳа-да, менман, — деб тасдиқлади Оди.

— Одамлар қачон йўқолиб қолишди? — деб сўради Отаев.

— Анча бўлди, — деб жавоб берди Оди лаҳзалик сукутдан сўнг. — Лекин радиограмма ҳозир келди.

— Одамлар қайси жамоадан?

— «Ленинград»дан.

— Нима чора кўраяпсизлар?

— Олти гилдиракли тўрт автомобилни тайёрлаяпмиз, — деб жавоб берди Оди. — Тонгда жўнаб кетади.

— Яна нима?

— Балки тикучар (вертолёт) билан тайёра керак бўлар, — деб қўшимча қилди Оди. — Умид қилсак бўладими?

Отаев бироз жимликдан сўнг жавоб берди:

— Бўлади. Эрталаб Тошовузга вилоятқўмга қўнғироқ қиламан, ёрдам беришади.

У гапни тугатиб, юмшоқ оромкурсига чўкди ва ўйга толди: «Ҳозир фирқа Марказқўмининг навбатчисига қўнғироқ қилсам-чи? Вақтдан ютамиз. Ашхободнинг кўрсатмаси Тошовузга тонгда етиб боради ва излаш эртароқ бошланади. Тайёра автомобилга эмас, учиши учун ҳам фурсат керак. Албатта, тайёра керак».

У Марказқўм навбатчисига қўнғироқ қилди, ўзини таништирди — Тахта ноҳияси фирқа қўмитасининг биринчи котиби — Ашхободга хизмат юзасидан келганлигини ва мақсадини айтди. Навбатчи унинг гапларини диққат билан тинглади ва деди: «Ҳаммасига тушундим, ҳаракат қиламиз».

* * *

Тахта ноҳияси қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи Оди Оталиғов телефонда биринчи котиб билан гаплашиб бўлгач, «Ленинград» жамоа хўжалигига қайтадан сим қоқди.

Жамхўжалик раиси бу қўнғироқни кутиб ўтирарди. Хўжаликка қарашли отарларда ишловчи чўпонларнинг йўқолганлиги тўғрисидаги радиограммани фақат ўзи олмаганлигини, бундай хабар ноҳия раҳбарларига ҳам етиб борганлигини биларди. Лекин бир ҳолни тушунолмасди: нега бу хабар ўнинчи куни етиб келди? Учинчи, жилла қурса, бешинчи куни, одамлар Оқмулла қудуғидан узоқлашганлиги маълум бўлгач, хабардор этишса бўларди-ку?

Раис Оқмуллага сим қоқиб, тасарруфидаги кишиларга бу саволларни берар ва ақлни шоширадиган масъулиятсиз жавобларни эшитарди: «Безовта қилгимиз келмади... адашганлар шу ерлик, саҳрони яхши билишади... деб ўйладик... энди ўйлаб кўрсак, бир гап бўлганга ўхшайди...»

Жамхўжалик раиси Непесов ноҳия марказидан бўладиган қўнғироқни тоқатсизлик билан кутарди. Қўнғироқ жиринглади. Таажжубланарлиси шуки, Оди Оталиғов ҳеч қандай савол бериб ўтирмади. Гапнинг лўндасини айтди-қўйди:

— Эрталаб сенга тайёра ёки тикучар, балки иккаласи ҳам боради. Мен вездеходда бораман. Вездеходлар тўртта бўлади. Ҳозирлигингни кўриб тур, излашга бирга чиқамиз.

Раис бир оз мулоҳазадан сўнг жавоб берди:

— Оқмулла қудуғи саҳрода, уч юз чақиримдан ҳам нарида, мен боролмайман.

— Боролмайман, деганинг нимаси? — деб овозини кўтарди Оталиғов. — Бу яна қандай қилиқ?

— Оёғимни босолмаяпман, — деди раис рўй тушиб. — Икки кун бурун оёғим синиб қолди.

— Йўғ-е, йўғ-е, — деди ноқулай аҳволга тушган Оталиғов. — Хўп, майли унда, эрталабгача хайр, — трубкани қўйди.

Тун. Соат икки. Оталиғовнинг столи устидаги шамоллатгич парраклари тунги ёруғлик иштиёқмандлари — ниначи, парвона ва бошқа ҳашаротлар булутини тўхтовсиз ҳайдаб турибди. Хонанинг очиқ деразаси ортидан уйқуга чўмган қасаба кўзга ташланади. Дераза ортида — ёбон: уч минг километрлик Қорақум. Ана шу чўлдан энди адашган одамларни ахтариш керак. Ўтган ўн кун мобайнида улар узоқларга кетиб, ҳар хил вазиятларга тушиб қолган бўлишлари мумкин.

«Ҳайратланарли! — деб ўйларди Оталиғов. — Ҳайратланарлиси шуки, коинот бағрида ҳаво кемалари учиб юрибди, заминни радиотўлқинлар ўраб олган, замонавий машиналар учун тўсиқ қолмаган, деразаларим ортида эса адашган, ҳолдан тойган одамлар очлик ва сувсизликдан ҳалок бўлишмоқда. Ишониш қийин!»

Лекин бунда муболаға йўқ эди.

У бир варақ қоғоз олди. Айлана — Оқмулла қудуғини чизди. Уни Заунгуз Қорақумидаги бошқа қудуқлар — Бешқудуқ, Лайли, Шайх, Маматёр билан, кейин ўзи биларди.


«Улар Оқмулладан жанубга қараб кетган бўлишлари мумкин, — деб чизиқ чизди Оталиғов. — Шарққа қараб юрган бўлишлари мумкин», — деди ва яна битта чизиқ тортди.

«Ким билади, балки улар аввал жануб сари юришиб, — деб ўйлади Оталиғов, — икки-уч кундан сўнг ғарбга бурилишгандир. Шундай бўлиши ҳам мумкинми? Мумкин!»

У излаш йўлларини белгиларди: бу ишни амалга ошириш масъулияти ўзининг зиммасига юкланди. Яқингача, ноҳия қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи этиб тайин-

1

Геннадий БОЧАРОВ.



Оталиғов тонгни безовта кутарди. У чўлнинг мукаммалроқ харитасини ахтараётиб, «Известия»га дуч келди. Нигоҳининг рўзномага қадалишининг ўзиёқ шусиз ҳам хуфтон кўнглини янада қоронғулаштириб юборди. Рўзноманинг бу сонини ҳозир ўлкадаги кўпгина идоралардан топиш мумкин. Мақолалардан бирида машинада йўлга чиққан бир гуруҳ кишиларнинг фожиали ўлими ҳақида ҳикоя қилинган, катталар билан бирга болалар ҳам ҳалок бўлишганди.

...Фазо йўлдошлари, радиотўлқинлар, тайёралар...

У рўзномани четга суриб қўйди — айни кулфат энди уларнинг ноҳиясида ҳам рўй бериши мумкин. Жуда тез такрорланмаяптими?

Қўнғироқ жиринглади: излашга тайёра ҳам, тикучар ҳам боради. ноҳиякўм котиби тез ва аниқ иш бошлаганди.

Оталиғов енгил тин олди: «Бундай улов билан кўпроқ ва кенгроқ жойни кўриб чиқиш мумкин».

Тонгги соат бешда у ахтариш режасини пишитиб бўлди.

Беш яримда унга хабар беришди: вездеходлар тайёр.

лангунча, у комсомол ишлари учун масъул, ноҳия комсомол қўмитасининг котиби эди. Шу пайтгача у барча ишга оловкорлик билан киришар ва бу ўзини оқларди. Аммо шу топда қизиққонлик ўринлимикин? Йўқ, албатта. Ишлаб чиқариш қизиққонликка тоқат қилмайди. Бунда теран ва дадил хатти-ҳаракатга эҳтиёж кўпроқ. Аммо айни дақиқаларда гап ишлаб чиқариш эмас, одамлар тақдири ҳақида бормоқда. Шундай бўлса-да, у қизишиб кетар — вақтни бесамар ўтказмай, чизмалар чизар, йўлларни белгиларди. У сим қоқиб, вездеходларнинг тайёргарлигини текширди. Саҳрода адашганлар ҳақида ўз вақтида хабар қилмаганларнинг масъулиятсизлиги хаёлидан ўтиб, яна жиғибийрони чиқди.

ҲИКОЯНИНГ БИРИНЧИ ҚИСМИГА СЎНГГИ СЎЗ

Саҳронинг икки бор омади келмади. Аввалига уни ҳар қадамида одамзодни хавф-хатар билан кутувчи сариқ жаҳаннам, сариқ тилсим сифатида тасвирлашди. Кейин бошқача — саҳродаги оғир меҳнат ва қуёшни кўтаринки оҳангларда ҳикоя қилиш анъанаси пайдо бўлди. Бу икки чекланиш ҳам ёбон нималигини амалда билмайдиганлар учун кулфат бўлди. Ҳақиқий саҳро билан мулоқот қилиш қийин ва хавфли. Шунинг билан бирга у йилдан йилга ўзгариб туради, аммо шундай хислатлари борки — мангу. Саҳро ўз номи билан саҳро, тўғри баҳога ва муносабатга муҳтож.

Ватандошларимиз ёбондан ўзларига зарурини олишмоқда: уни метрма-метр ишғол этишиб, уйлар, йўллар қуришмоқда, дов-дарахтлар ўстиришмоқда. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг қумлоқ ҳамда тошлоқ кенгликлари бугун моторлар гулдуроси, одамлар овози, телефонлар қўнғироғи, болалар кулгиси билан тўлмоқда. Мўйинқум, Бешпакдала, Оролбўйи қумликларида, Қорақумнинг Манғишлоқ, Заунгузларида шаҳар ва қасабалар пайдо бўлмоқда. Уларнинг айримлари, ҳатто анча танилиб қолган: Шевченко, Газиаччиқ, Узен ва Ленинск, бошқача айтганда, Бойқўнғир космодроми.

Алоқа тармоқлари, темир ва асфальт йўллар — барчаси жазирама ҳамда сароблар ўлкасига туташиб кетган. Ёбон устидаги нилий осмон ҳам гавжумлашиб қолган: тайёралар парвози ёмғир нималигини билмайдиган булутлар орасидан ўтади. Улардаги тунги йўловчилар пастда олов шуълаларини кўрсалар, янги пайдо бўлган қасабалар аҳолиси эса тайёранинг гулдуроси ва чироқларига қараб, унинг ТУ ёки ИЛ эканлигини, қаёқдан — Тошкентданми, Нукусданми ёхуд Ашхободдан — учиб ўтаётганлигини аниқлар эдилар. Саҳронинг ўзида кичик авиация — тикучару енгил тайёралар хизмат қилади. Улар маъдан изловчилар,

2

газчилар, чўпонлар ва йўлсозларни ўзаро боғлаб туришади.

Аммо...

Аммо саҳро саҳролигича қолади. Фақат рангигина уйғун ва муҳим бўлган ҳамда кутилмаган даҳшатларнинг бу кўҳна олами ҳамон инсон ҳаётига таҳдид солади. У кўплаб йиллардан сўнг ҳам, илгаригидек, ўз бағрига ким қадам қўйганлигини синаб кўраверади. Унинг инсонга нисбатан кўрсатадиган қаршилиги аёвсиз эди, шундай бўлиб қолаверади. Одамларнинг унда чеккан кўп кунлик азоблари бугун ҳам тез-тез учрайдиган ҳодиса. Бундай бахтсизлик, ҳатто ушбу ўлкада улғайганлар бошига-да тушади.

ЧЎПОНЛАР ЙЎЛГА ЧИҚҚАН КУН

Оқмулла қудуғи, чўпонларнинг барханлар орасида жойлашган уйлари ва ўтовлари устидан эса бошлаган шамол бир неча кун тўхтамади. Аксинча, ўтган тунда довулга айланди. Ўтовлар устида қум булутлари гувиллаб, қудуқбошидан қоғоз, фанер, унутиб қолдирилган идиш-товоқлар ва кийимларни олиб кетди. Довул эрталаб ҳам тўхтамади. Чўпонлар отарлар ҳолидан хабар олгани боришса, 200 қўй кам чиқди. Маълум бўлдики, кўзи қумга тўлган жониворларни шамол ҳайдаб кетган. Оқмулла аҳли кенгашга йиғилди. Одатга кўра, қариялар кўпроқ гапирдилар. Довул тушиккача тинса, Хокги Ўрозгелдиев, Язим Отаев ва Мидди Кабаев қўйларни излашга чиқади, деган қарорга келдилар. Улар саҳронинг паст-баландию, жониворларнинг феъли-ҳуйини яхши билишарди.

Ким ҳам ўшанда бу уч ўғлоннинг бошига аянчли кулфат тушади, бунинг устига, уларни даштда адашиб кетади, деб ўйлабди. Ўшанда, шундай фалокат юз бериши мумкин, десангиз, бирорта оқмуллалик ишонмасди.

Пешинга яқин шамол тинди.

— Туяларни олиб келинглар, — деди кекса чўпон Аваз. — Юкларни ортамиз.

Аёллар туяларга сув тўла кўзаларни, ун, туз ва гугурт юкладилар. Эркаклар уловларини қудуқнинг нордон суви билан тозасини аралаштириб суғоладилар.

Тадорлик кўриб бўлинди. Чўпонлар йўлга тушдилар. Осмонда довулнинг сўнгги уюрлари — лойқа ранг булутлар сузиб юрарди.

Чўпон туялари навқирон, бақувват, оёқлари толмас эди. Улар малла бошларини баланд кўтарганларича қумдан бир-бир босиб борардилар. Табиат бу жониворларнинг тезлигини доим бир хил — соатига тўрт чақирим қилиб қўйган. Туялар ана шу тезликда чўпонлар бошлаган томон — Жануб сари кетиб борардилар. Улар москваликлар Красная Преснядаги ҳайвонот боғида кўрган туяларга сира ўхшамайди. Оқмуллалик туялар москвалик туяларни узоқ қавмлари сифатида ҳам тан олмасалар керак. Кичик карвон Жануб сари кетиб борар, чўпонлар назарида, қўйлар айнан ўша томонга кетган эди.

Чўпонлар саҳронинг нималарга қодир эканлигини яхши билишарди. Бунда авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган ҳикмат бор: «Қорақумда қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди». Чўпонлар эса туя минган эди. Туялари эса чидамли, бақувват, хуллас, ортиқча хавотирланишга ўрин йўқ.

Чўпонларни отар ташвиши чўлғаб олганди: 200 қўй — ҳазил эмас. Шу пайтгача Оқмуллада бунча қўй йўқолмаган.

Биринчи куни, қоронғу тушгунча, 20 чақирим йўл босишди. Қўйлардан ном-нишон топишолмади.

Нима қилардик, дейишди улар, шамол барча изларни текислаб кетган. Навниҳол саксовулу қуриб қолган қадимий дарёнинг ўзаниники қум босганидан кейин, туёқ изига йўл бўлсин. Ўзларининг танланган йўли тўғрилигига ишончлари комил эди. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган сурув ҳамиша Жануб томон юради. Бу сафар ҳам бошқача бўлиши мумкин эмасди.

Куннинг ғира-шираси чўлда — дақиқалиқ.

Қуёш ботмади, гўё жазирамада жизғанак бўлган уфқ ортига тушиб кетди. Хокги, Мидди ва Язим тунаш учун қўндилар. Саксовулнинг оловида чой қайнатишиб, бафуржа нонушта қилдилар ва гангур-гангур суҳбатлашиб, Қорақумнинг юлдузлари хира нур сочиб турган рутубатли осмони остида уйқуга кетдилар.

УЛАР АДАШГАН КУН

Довул бошлаганида уч чўпон уйдан чиққанига бир неча кун бўлганди. Шундай бўлса-да, ортига қайтишмай, Жануб сари кетавердилар. Аммо отардан ҳамон ном-нишон учрамасди. Язимнинг тахминича, қўйлар олдинда, балки бироз чапроқ ёки ўнгроқда кетаётган бўлиши керак. Охир-оқибатда, деб мулоҳаза қиларди у, қўйлар айлана бўйлаб бурилади ва биз уларга дуч келамиз.

Бехосдан бошланган довул барча тахминларни чиппакка чиқариб юборди. Қўйлар энди довул таъсирида бошқа томонга бурилиб кетиши мумкин. Чўпонлар айнан шундай бўлганлигини англай бошладилар, аммо олға юриш энг тўғри йўл деб ўйлашарди. Йўлда фақат юриш, ҳаракат қилиш керак. Йўқса, инсон ҳаёти ҳам бундан бир неча асрлар илгари мана шу саҳрода тўхтаган ҳаёт каби ниҳоя топиб қолиши мумкин.

Хокги ташвишга тушди: гармселнинг оловли эпкини тез-тез такрорланиб, яна довул яқинлашиб келарди. Биринчи довулдан бир неча кун ўтгач, шамол яна аввалгидек кучли эсадиган бўлса, қўйларни излашдан нажот қолмайди. Учала чўпон ҳам ўз заминини яхши билар, лекин шамол ўтган йиллар каби, чўл қиёфасини шитоб билан ўзгартириб, бор белгиларни йўқотар ва янги нишоналар пайдо қиларди. Тўғри, айрим жойларда шамол тасодифий белгиларни омон қолдирди ҳам. Аммо жон талвасасида тўғри йўлни қидираётган одамга тасодифий белгилар ёрдам бериши қийин. Аксинча, барча тасодифлар монанд улар ҳам кишини тўғри йўлдан оғдириши мумкин.

(Давоми бор).

3

Футбол янгиликлари

Олий лига командалари ўртасида чемпионат ўйинлари қизғин давом этаяпти. Футбол мухлислари аввал «бу йил чемпионлик учун олиб бориладиган кураш олдингига қараганда энди анча суст борса керак», деган шубҳага ҳам боришгани сир эмас. Чунки командалар сони 13 тага тушди. Мухлислар учун унчалик синашта бўлмаган, «кўзи ўрганмаган» командалар кейинги турларда анча чиройли ўйинлар кўрсатишаяпти. Москванинг «Спартак» командаси ҳамда Минскнинг «Динамо» командалари ўртасида бўлиб ўтган учрашувни ойнаи жаҳон орқали кўпчилик томоша қилди. Негадир киевлик динамочилардан мағлубиятга учраган спартакчилар ҳамон ўзларини ўнглаб олишолмаётганга ўхшайди. Ҳар қалай спартакчилар белоруссиялик футболчилар устидан ғалаба қозонишди (2:1).

Шунингдек, «Днепр» навбатдаги турда Ереваннинг «Арарат» командаси билан майдонга тушди. Бу ўйинни кўриш насиб этмаган бўлса-да, днепропетровсклик футболчилар ўз майдонида ҳам, рақиблар майдонида ҳам доимо бўш келмаслигини билардик. Улар ўртасидаги ўйин дуранг (2:2) билан тугади.

Москвалик армиячилар ҳамда динамочилар ўртасида бўлиб ўтган ўйинда эса ҳисоб очилмади (0:0). Ҳозирча олий лигада Москванинг «Динамо» командаси ўнта ўйиндан 15 очко тўплаб, биринчи ўринда турибди. Иккинчи ўринда эса москвалик армиячилар. Улар ҳисобида 14 очко бор.

* * *

Мамлакат футбол чемпионатининг «кенжа» вакиллари — иккинчи лига командалари ўртасида ўтказилган сўнгги турдаги ўйинлар натижалари қуйидагича: «Навбаҳор» — «Сурхон» — 1:0, «Целинник» — «Динамо» 2:2, «Экибастуз» — «Трактор» — 2:1, «Шахтёр» — «Океан» — 0:1, «Қайсар» — «Амур» — 1:0, «Звезда» — «Автомобилист» — 1:1, «Иртиш» — «Нефтяник» — 2:1, «Копеттоғ» — «Мелиоратор» — 1:0, «Зарафшон» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Химик» — «Олға» — 2:0.

* * *

Бу йил Италияда ўтказиладиган жаҳон чемпионати ҳали бошланмасдан туриб, «кимлар чемпион бўлаpкин», «кимлар нимчорак, кимлар чорак баҳсларида иштирок этади?» деган саволлар кўпчиликни қизиқтираяпти.

— Бразилия терма командаси жаҳон чемпионатида ҳар қачонгидек курашчан ўйинлар кўрсатади, — деди яқинда журналистларнинг саволларига жавоб бериб команда тренери Себастьян Лазарони. «Ноумид шайтон». Лекин барибир тренернинг тан олишича, терма командада олдинги чемпионатларда бутун дунё футбол мухлисларининг назарига тушган Герсон, Диди ёки Зико сингари футболчилар йўқ. Шунинг учун ҳозирдан бирон нарса деб башорат қилишга у ҳам тортинаяпти.

Лазарони хомчўтларига қараганда, Бразилия, Италия, ГФР, Голландия ҳамда СССР чемпионликка даъвогар командалардир.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ТВ

16 МАЙ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Ўқув кўрсатуви. Совет давлати ва ҳуқуқи асослари. СССР халқ депутатларининг вазифалари. 12.00 «Раговар чорбоғи», «Камалак жилоси». Телефильмлар. 12.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Ахборотларни график усулда тасвирлаш.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Касблар ҳақида ҳикоялар». 18.10 Болалар учун. «Сиэтллик дўстларимиз». 18.45 «Қувноқ болалиқ мамлакатида». Мультфильм. 19.00 «Уй-жой қурилиши муаммолари». Якка тартибда уй-жой қурилишининг бориши. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Оҳанг» студияси таклиф этади. Эстрада программаси. 20.15 Долзарб мавзу. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Мулоқот». Жумҳурият аэрофлоти раҳбарлари билан учрашув. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Давлат болалари». Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилояти мусиқий театрининг спектакли. 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 «Мулк: муаммо ва ечимлар» (рус тилида). 18.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ой бориб, омон қайт...» 19.15 «Олтин соат». Бадиий фильм (Одесса киностудияси).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Тожикистон ССР халқ артисти Мастона Эргашева иштирокида халқ чолғулари оркестрининг концерти. 21.40 «Бутун умр мобайнида». Ҳужжатли фильм. 22.00 «Ахбор». 22.20 «Тоши Вендиснинг хатоси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

6.00 «120минут». 8.00 «Учбанан». Мультфильм. 8.15 «Лабиринтга кириш». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 9.25 РСФСР Давлат духовой оркестри чалади. 9.45 «Дунё бўйлаб». Альманах. 10.45 «Омадли». Бадиий фильм («Мосфильм»). 11.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши.** 16.25 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 17.25 «ТелеЭКО» журнали. 17.55 Шеърият лаҳзалари. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Ҳокимият — Советларга!». «Истеъфо» (Омск). 19.05 «Отаона ва болалари». Телевизион бадиий фильм (Рига киностудияси). 20.20 Долзарб интервью. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Кусковода рус мусиқаси телевизион фестивали. 3-кўрсатув. 21.45 Футбол. Ўртоқлик учрашуви. Исроил — СССР терма командалари. Исроилдан олиб кўрсатилади. 23.30 «ТСН» Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

8.00 Эрталабки гимнастика.

Ўқув программаси

8.15 «Киносайёҳатчилар альманахи». 8.35, 9.35 Физика. 9-синф. Робототехника. 9.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 10.05 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун. 10.35 Адабиёт. 7-синф. М. Сервантес. «Дон Кихот». 11.05 «Фронтдош дугоналар». Концерт. 11.25 Тинчлик велопойгаси. Чехословакиядан кўрсатилади. 11.55 **РСФСР халқ депутатлари биринчи съездининг очилиши.** Танаффус пайтида — Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Довюрак буғу боласи». 1-кўрсатув. 20.00 «Объектив». 20.35 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 20.40 Ҳужжатли фильм. 21.00 «Тонгдаги учрашувлар». Бадиий фильм («Мосфильм»).

ЁШ ЛЕНИНЧИ

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР: ҚАБУЛХОНА 32-56-58 ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65.

51300 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ. ИНДЕКС: 64607

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. 04252. Д. — 23464.